

НЕЙМАТ АМИНОВ

БИР АСР ҲИКОЯТИ

(*Темирчидан қолган тиллолар*)

Тұлдирілған қайта нашри

ТОШКЕНТ «МАҢНАВИЯТ» 2002

8432

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли ҳажвнавис Неъмат Аминовнинг «Бир аср ҳикояти» асаридаги ҳикоятлар ихчам ва пурмаъно. Улар ҳикматли сўз каби бир ўқиганда хотирада муҳрланади, равон ва ибратлидир.

«Бир аср ҳикояти» нинг бош қаҳрамони Ота (Усто Амин Нуруллобой ўғли) ботинидаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик, донишмандлик, сабру қаноатлилик қисқа нақлларда уз тажассумини топган. Оддий меҳнаткаш фарзанди бўлмиш Темирчи устанинг хоҳ сиёsat, хоҳ дину диёнат, хоҳ ахлоқ-одоб ҳақида билдирган фикрлари сизу биз учун муайян сабоқдир.


A 59

10 29195
2

Аминов, Неъмат.

Бир аср ҳикояти: Темирчидан қолган тиллолар.— Тўлдирилган қайта нашри.— Т.: Маънавият, 2002.— 104 б.

ББК 84(5У)6



© «Маънавият», 2002

МУАЛЛИФДАН

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Машойихлар айтибидирларким, отанинг ўз ўғлини мақташи одобдан эрмас. Бу — кулол ўзи ясаган мўндини оғиз кўпиртириб таърифлагандай гап. Аммо, фарзанд ўз отасини, унинг панд-насиҳатларини тез-тез эслаб, ибратли фазилатларини бошқаларга айтиб туриши он чандон савоб дебмишлар.

Бу ёруғ оламда юз йил умргузаронлик қилган падари бузрукворимиз Усто Амин Нуруллобой ўғлининг панд-насиҳатлари ва ғаройиб ҳикоятларидан иборат «Бир аср ҳикояти» (Темирчидан қолган тиллолар) дастлаб «Тафаккур» журналида, 1995 йилда «Ўзбекистон» нашриётида алоҳида китоб шаклида нашр қилинган ва ўша йили Ўзматбуотқўм «Истиқдол: янги замон — янги қаҳрамон» кўрик танловида энг яхши асарлардан бири сифатида баҳоланганди.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий тариқатларида айтилганидек, «Дил ба ёру даст ба кор» ақидасига амал қилган Усто Амин умр бўйи темирчилик ва тоат-ибодат билан машғул бўлганлар. Инқилоб арафасидаги талотўплар боис савод чиқара олмай қолган бўлсалар-да, қувваи ҳофизларининг зўрлиги, Бухорои шарифнинг кейинги асрда яшаган дин пешволари даврасида кўп суҳбатларда бўлганликлари туфайли турли ёшдаги ва касбдаги кишилар билан bemalol гурунг қура олар эдилар. Бу суҳ-

батларда шарқона донишмандлик билан бирга, майин, беозор бир зарофат уфуриб турарди...

Китобча босилиб чиққач, тез орада кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Покистонда урду тилида (алоҳида китоб шаклида), Қорақалпоғистонда чиқадиган «Амударё» журналида тўлиқ, турк матбуотида парчалар босилди. Китобнинг ибратори муз ҳикоятлари ва оммабоплиги хусусида Ўзбекистон Халқ Қаҳрамони устоз Сайд Аҳмад, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси Тўлепберген Каипбергенов, забардаст аллома Файбуллоҳ ас-Салом, истеъододли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, покистонлик машҳур ёзувчи Қосимий, адабиётшунос Султонмурод Олим ва бошқалар рисола ҳақида матбуотда анчагина илиқ ва фойдали фикрлар билдирилар. Китоб чиққандан сўнг отамизнинг суҳбатларида бўлган таниш-билишлар, қавм-қариндошлар падари бузрукворимиздан эшитган ва китобга кирмай қолган айrim янги ҳикоятларни айтиб бердилар, қолаверса, вақт ўтган сари ўз хотирамда жонланган янгидан-янги саҳифалар мени ушбу рисолани тўлдириб, қайта нашр этишга ундандек бўлди.

Хурматли ўқувчи! Ушбу китобчани Сизга тақдим этишдан мурод ул зотни буюк аллома ёки донишманд қилиб кўрсатиш эмас, балки оддий, тақвадор темирчининг бир асрлик умр лавҳалари мисолида ўзбек ҳалқининг тарихий қисматига яна бир назар ташлашдир.

Иншооллоҳ, бу битикларни ҳам ўқийдиганлар топилар.

БИР АСР ҲИКОЯТИ

(Темирчидан қолган тиллолар)

- Отахон, мана, тўқсон олти ёшга кириб-сиз, сизнингча, узоқ яшашинг сири нимада?
- Нима дейди?
- Узоқ яшашинг сири нимада, деб сўраяптилар.
- Ҳа-а... сирини билмайман. Парвардигор мани йўқ жойдан бунёд этди: қул берди, оёқ берди, куз берди, қулоқ берди, ризқу рўз берди, покдомон хотин насиб этди, ақли комил фарзандларни берди. Бир умр шукр қилиб яшадим. Узоқ умр берди, унинг сирини ҳам ўзи билади-да, муҳбир бачам. Энг олий сирдон Яратганинг ўзи.

* * *

Эргаш амакимнинг пуштикамарларидан тўраган биттаю битта ўғиллари бўларди. Оти Иўлдош эди. Худонинг қудратидан ўргилай, уям гунгу кар эди. Ўша бола ўн икки ёшида қизамиқдан вафот этувди. Шўрлик Моҳтоб янгачамнинг «Булбулигўём бачам» дея соч юлиб йиғланлари кечагидай кўз олдимда...

* * *

Тўқсон олтига кирдим. Кўзим хира, қулоғим эшийтмайди, оёқларимда дармон йўқ. Билмадим, бир куни қарисам, нима бўларканман?

* * *

Ха, шу ёшга киргунча дўхтирлар ҳамма жойимни кесиб, ёриб апараса қилдилар. Яратганинг ўзига ҳазор бор шукур, ҳаммасидан омон чиқдим. Барака топкур дўхтирлар ҳар галтиф урганда таваккални ўзига қилиб, қимир этмасдан ётдим. Йўқ, тилим айлангунча дўхтирларни дуо ҳам қилдим. Улар бўлса, қўрқманг, отахон, юрагингиз ўн тўрт ёшли ўсмирнинг юрагидай дейишади. Гоҳида ўйлаб қувонаман. Юракнинг бунчалик бақувват бўлиши нимадан экан? Миннат бўлмасину, бу аввало, бир умр Оллоҳнинг зикрини дилимда такрорлаб юрганим учун бўлса керак. Яна болаликда кў-ўп олма еганман, кейинчалик темирнинг сувини ичганиман. Ҳар эрталаб дўконни очганимда темирга сув берилган тош охурдан уч ҳўплам сув ичиши ни одат қилган эдим. Фақат кўзим чатоқ. Кейинчалик билсан, теша, кетмон мўрасини олвода пиширганда кўкиш алангага қора кўзойнак сиз қараганим учун экан. Э, бизнинг давримизда кўзойнак қаёқда эди, дейсиз. Буеки апараса қилдилар, кўзим кундан-кун баттар бўлди-ю, бетар бўлмади, ҳа, шунисига ҳам шукр, кашта тикармидим...

* * *

Отам раҳматли жуда миришкор дехқон эдилар. Ҳар баҳорда қовун экканларида икки-уч жўяга зомича, яна бир парча ерга исли зомича¹ экардилар. Ҳаммадан аввал ана шу исли зомича

¹ Зомича — ҳандалак.

сағайиб пишарди. Уни еб бўлмасди: фақат ҳидлардийиз. Бирам хушбўй, бирам черайли эдики, Қўлтиғингизга биттасини солиб юрсангиз, шамол кунлари ҳиди бир чақиримга тараларди. Одамлар қовун пишмасданоқ унинг ҳидидан мазза қилардилар.

Онам раҳматли бир куни Мукаррам опамга, ана бу исли зомичага суқ билан қараб, тез-тез исқаб тур, буни иси юрак ўйноғига даво, яна бўйингдаги бачанг ҳам қувват олади, деганлари кечагидай эсимда... Кейин билсам, қариларнинг ҳар бир гапи ҳикмат экан...

* * *

Ўттиз саккизинчи йилнинг кузи эди чоғи, отам қазо қилувдилар. Ҳассакаш жуда кўп бўлувди. Ҳу-хулашиб, шу Питмон тепага кўмдик.

Орадан уч-тўрт куни, бир ҳафтами ўтгач эски чарм шапкали бир киши дўконга кириб келди, қаерда кўрган эканман, деб ҳайрон қолдим. Олдига дастурхон ёздим, чой қўйдим. Бир пайт у гап орасида, бу устажон, отангиз ўлиб қолибдилар-да, деди. Ҳа, дедим, ичдан нега «бандалик» демаганига ўксиниб. Яна бир оздан кейин, бу жанозани ким ўқиди, деб сўраб қолди. Юрагим шув этиб, кўз олдим қоронгулашиб кетди. Тезда ўзимни ўнглаб олдим.

— Ўв, манга қара, ука! — дедим Йиғламсираб, — шундан бошқа ишинг йўқми? Мани отам ўлади-ю, сан нобакор, бандалик, дея кўнглимни кўтариш ўрнига, жанозани ким ўқиди, деб сўрайсан-а? Ҳали кўз ёшларим қуrimасдан, мани сотқинликка тортгани уёлмайсанми? Ман жанозани ким ўқиганини айтсан, «Мулло, ёт унсур» дея ўша бечорани олиб бориб қамата-

санда-а... Эсиз, одамизод, ахир сан ҳам бир мусулмоннинг боласисан-ку?.. Бориб айт, ўша начайлигингга, отамнинг жанозаларини узим ўқидим.

Шундай дея йиғлаб юборибман. У бўлса ҳеч нима дея олмай, қизариб-бўзарив чиқиб кетди.

* * *

- Неъмат!
- Лаббай, ота?
- Нечага кирдинг?
- Эллик бешга.
- Она қорни билан эллик олтига-да? Демак, камида эллик йиллик гапни ақдинг олса керак. Энди айт-чи, мани бирор марта арақ ичганимни кўрганмисан?
- Йўқ.
- Ёмон йўлга юрганимни ёки биронни ҳаққини еганимни кўрганмисан?
- Йўқ.
- Унда нега арақ ичасан?
- Кўп ичмайман-ку, ота... Энди, кеча меҳмонлар билан жиндай...
- Худою пайғамбар ҳаром қилган нарсани нега ичасан? Ахир, арақнинг ўзи кўзачага қамалган жин-ку! Яна жиндай дейди-я...

* * *

— Ўв Лайлош, афти-ангордингга, усти-бoshинингга қара. Раҳматли отанг сани додингда ўлиб кетди. Қайси кунингга ичасан шу ҳаром нарсани?

— Б... бу ҳаром эмас, усто бобожон. Бу узумдан бўлган, сизам бир пиёла ичинг, қувват бўла-

ди. Май бу, шароб бу, узумнинг сувидан бўлган.
Мана...

— Торт қўлингни! Узумдан бўлган ҳамма
нарса ҳалол, деб санга ким айтди? Нажас ҳам
буғдойдан бўлган, деб емайсан-ку...

* * *

Бодом гуллади, шафтолиу зардоли гуллади,
олма гуллаб ҳосил тугди, сан қачон гуллайсан,
Болта? Ахир, сан тенгиларнинг кўпчилиги бола
етаклаб юрибди...

* * *

— Сайд Аҳмад, бу Саидахоннинг вафотла-
рига қанча бўлди?

— Йигирма йил.

— Сизгаям қийин бўлди-да ука. Ҳа, бирор
олдин, бирор кейин, нима қиласиз энди, тақ-
дири азал шу экан-да. Айтмоқчи, нечага бор-
дингиз, ука?

— Йилим қўй, етмиш учга кирдим.

— Ўҳ-ҳу, ҳали ёш бола экансиз.

* * *

Сайд Аҳмад ака:

— Иккаламиз ҳам бевамиз. Битта опа-син-
гилни топиб, божа бўламизми?

Отам:

— Лаббай?

Сайд Аҳмад ака:

— Ёқди, шекилли. (Овозини баландлатиб.)
Иккаламиз ҳам бевамиз, дейман. Ёшроқ бир
опа-сингилни топсан, божа бўламизми?

Отам:

— Бўламиз... Қани, омин денг бўлмасам...

Парвардигор иккаламизга ҳам нариги дунёда опа-сингил хурлардан ато этган бўлсин...

* * *

Онангни туш кўрибман, ўғлим. Ясанган-тусантан эмиш. Черайли, кулибгина турибди раҳматли. «Ҳа, онаси, пасонла зўр-ку!» — дебман. «Ҳалиям рашкингиз қолмабди-да, Муҳаббатдан бир хабар олиб келай», дермиш. Э, ана... опангни ўзи келиб қолди. Болта... Муҳаббат, тезда бориб онангни қабрига дуойи-фотиҳа қилиб келинглар, тушимга кирибди, руҳи очиқданга ўхшайди.

* * *

Эсингда бўлсин, кўпам «Э, худо», «Э, Оллоҳ» дейишга одатланма. «Э» да иддао бор. Парвардигорга зурна қилмоқчи бўлсанг «Ё, худо!» «Ё, Оллоҳ!» де. Шуниси тузукроқ...

* * *

Ҳе-еч бу дунёнинг ғамини ема. Ўғилларим ўлди деб хафаям бўлма. Худо санга саккиз ўғил берди, ўзига керак экан, қайтиб олди. Қўлингдан нима келади, ожиз бандасан-да. Қизларинг, набираларингга шукр қил. Марҳум ўғиллар сани нариги дунёнгга ярайди. Эрта қиёмат куни ўша норасидалар Парвардигорга: «Жаннатингга кирмайман... Ота-онам дўзахда азоб ческиб ётса-ю, ман жаннатга қандай кираман?» дея чир уриб

Йиғлашаркан... Ана ўшанда Парвардигорнинг кўнглида сан, осий бандасига шояд раҳм уйғонса...

* * *

Бу дунёта келиб, уч нарсадан ҳазар қилдим: биринчиси — тилло, иккинчиси — милтигу таппонча, учинчиси — қадаҳ. Шу уччаласини қўлимга олмадим.

* * *

Темирчи бўлиб пичоқ ясамадим, қурол ясамадим. Уроғу кашкорд ясадим — одамлар буғдой ўрсин деб. Кетмону бел пешладим — деҳқонлар ариқ қазиб, сув тарасин деб. Кў-ўп капкир ясадим. Яна-чи, асов отларни тақаладим — жониворларнинг туёққиналари оғримасин деб.

* * *

Зинҳор-базинҳор бировни қарғашга одатланма. Худога хуш келмас экан. Оллоҳ таоло: «Мен яратган бандани қарғашга сани нима ҳаққинг бор, яхши-ёмон қилмишини ўзим кўриб турибман-ку, қандай жазога лойиқлигини ҳам ўзим биламан» деркан.

* * *

Қишлоғимиздаги муфти Соли раҳматли бир гапни такрорларди. Одамизодда уч хислат бўлиши — мукаммаллик аломати экан. Булар: нутқи тома, зийнати жома, маъқули омма. Яъники, бу — нутқинг дона-дона, равон бўлсин, чопо-

нинг тоза ва кўримли бўлсин, ўзинг эса элга ёқимли, майқул бўл, дегани экан.

* * *

- Усто бобо, қулогингиз оғирми дейман?
- Йўқ, жўра, кар!

* * *

Бир бола йиғлаб турган эди, бориб юпатмоқчи бўлдим.

- Ҳа, нима бўлди?
- Онам урди!
- Тўхта, қаёқقا кетяпсан?
- Онамга! — деди бола.

Кўрдингларми, урсаям, сўксаям, бу дунёда ҳар кимнинг онаси бўлсин экан.

* * *

— Нематулло!

- Лаббай, ота?
- Бу, Шариф Нурхон деган шоир чиқибдими? Кеча радиёlda жуда баъмани шеър ўқидида, «Ота-онанг» деган. Сен билан танишилиги бор экан, бирон кун олиб кел, чақ-чақлашиб кетади... Бошқа арақхўр шоир жўраларингни ила-киштирма, бир ўзини айт, яна анжуман қилиб юрма.

* * *

— Э, қойил, шоиржон, шунча черайли гапларни қаёқдан топасиз-а? Юрагингиз бамисоли чойдиш-а, шарақлаб қайнагани қайнаган...

Офарин! Агар эски замон бўлганда, сиздан зўр қорию қурро чиқарди-да.

— Акун, усто бобожон, гапингиз тўғри-ю, шоирлик ҳам қориликдай гап, лекин қорилик атаизмга тўғри келмайди-да.

— Атаизми нима, шоиржон?

— Худога ишонмаслик.

— Ҳимм... бу томони ямон экан....

* * *

— Мақтанишга йўйманг-у, усто бобожон, шоирлик бизга қўндоқда теккан касал. Ўн тўртинчи йил эди. Бир кун масжидимиз имоми Махсуми дағалнигига «Армуғони Хислат» китобини излаб Айний домло келувдила. Ман ўша атрофда чопқиллаб юрайттим. У киши тоғом Са-мад Махсум билан оға-ини эдилар. Бирга китобхонлик қиластила, ман уларни қўлларига сув қўйяйттим. Бир гал тоғом Айний домлога мани кўрсатиб, «Ман таъриф қилган бала ана шу, хоҳаримизни ўғли, яъни жияним», дедилар. Кейин тоғомнинг қистовлари билан «Эшакки-нам» деган шеъримни ўқиб бердим... Айний домло мани бошимни силаб, «Бу жудо заковатли бала экан, тахаллуси «Боғбон» бўлсин», деди-ла...

— Бирпас тўхтанг, шоиржон. Бу воқеа ўн тўртинчи йилда бўлган бўлса, сиз етти ёшда экансиз, ўшандаги ҳам боғбонлик қиласмидин-гиз?

— Ҳа, инди гўдак бўлсак-да, тонак-понак экиб юрайтик...

* * *

— Биз, усто бобожон, уруш йилларида күп иш күрсатибидик... Ваянкаматда майор Хомаков дегани бўлайти. Қад дароз йигитиди. Бир куни ўша Хомаков мани чоқириб битта шингил берди.

— Нечта шингил? Узум бердими?

— Э, ўйқ, усто бобожон, ўзингиз ҳам жуда шўхсиз-да... Шингил узумни шингили эмас, анови саллот ва аписерла киядиган кигиз палтун бор-ку, ўшани урусчага «шингил» дейди.

— Ман бир саводсиз темирчи бўлсан, шингилни қаёқдан биламан, шоиржон...

— Ўша Хомаков шингилни бериб, адевой, яъни кий, деди. Кийиб олдим. Битта пилўтка ҳам берди. Мана бу ерида қизил юлдузи борити. Шингил билан пилўткани кийиб ойнага қарасам, ўзимни тонимабман. Бирам ярашибди. Елкасида пакони боракан, ҳар паконга тўрттадан юлдуз... Ҳи-ҳи, бирданига манга каптонлик звониясини берибтила. Кейин шу шингилни кийиб, армиядан қочкан 317 дизертирини тутиб берувдим, ваянкамат урушга юборувди...

— Бай-бай, катта савобга қолибсиз-да, шоиржон. Вақт борида жангда ўлиб кетган ўша дизертирларни арвоҳига дуои фотиҳа қилиб турсангиз ямон бўлмасди.

* * *

— Бизани Ваҳмкор қишлоғи темир йўлдан бир чоқирим пастликтайти. Темир йўлда битта Некалай aka деган киши ишлайти. Барака топкур бизага ноникоқ — сухори берайтила. Кўп

аломат эди-да. Ўзбекчани ҳам билайти. Ўша «Бу ерларга ҳам Ленин келади, ҳаммаларинг озод бўласила», девди. Ўзим Холиқбойнинг зулмидан тўйган эмасманми, унинг бу гапидан қувониб кетиб, «Ленин, кел» деган шеъримни тўқидим.

— Қани, эшитайлик, шоиржон.

— Мана бундой:

Севимли мушкулосоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Юрагим, дардга дармоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Сўраб ҳоли паришоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Бўлиб менга қадрдоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел.

Шу шеърим учун Холиқбойдан оларимни олганман. Бир куни масжидни ёнидан бир қоп ўтбехи кўтариб кетаётутим. Холиқбой чоқириб қолди. Ёнида Очил тўпчибоши. Югуриб бортим. Холиқбой мани тўпчибошига таъриф қила кетти: «Жаноб тўпчибоши, бу Шарифча ўзи шоир, «Лелин, кел» деган қўшиқ ҳам тўқиган, қани, бир ўқи-чи», деди. Ерга қараб турабердим, Очил тўпчибоши ҳам: «Қани, қани», деди. Юраким бир нарсани сезгандек, баҳона қилдим. Холиқбой: «Бўл инди, кўпам таранг қилаберма», деди. Ўқишига мажбур бўлиб бошладим. «Севимли, мушкулосоним Лелин, кел» дейишимни биламан, Холиқбой лағати билан оғзимга тепиб юборти, оғдарилиб туштим. Яна тепаберди... орқамга, бетимга, биқинимга чунонам тептики, худо бандасига кўрсатмасин!.. Бир пайт Очил тўпчибоши: «Бўлди, акун, бой, Лелин оғзидан келди-ку», деди...

— Э, ҳа оғзингиздан Лелин эмас. Қонингиз келган бўлса керакда-а, шоиржон?

— Топдингиз, усто бобожон.

* * *

— Усто бобожон, ўша йиллари яна халқ орасида Лелин иккитаймиш: биттаси Лелин эмиш, яна биттаси — Кал Лелин, деган гапла юрайти.

— Тўғри, шоиржон, манам эшитганман.

— Кейин билсак, тескариси бўлиб чиқти. Кал Лелин деганимиз ойнакли, серсоч бўлиб, Лелин бобонинг ўзлари (атрофга қараб олиб) калроқ эканла.

* * *

— Неъмат акамни кабинкаларини зиёрат қилдук. Китоблари кўпакан. Ҳаммаси ўрусча, улуғ доҳиймиз Лелинни тилларида экан. Барака топкур, мани ҳам китобимни чиқорамиз, деб ёптила. Ажойиб ўғлингиз бор-да, усто бобожон.

— Биламан буни ажойиблигини. Бир нимани иси келадими?

— Ҳа, барака топсунла. Неъматжонда битта ситкали хумча боракан, шундан банияти шифодеб озгина ичтук, қувват бўлади, дедила.

— Э, шоиржон, ҳали бу одатингиз ҳам борми? Ман сизни...

— Инди, усто бобожон, Неъмат акамни юзларидан ўта олмадук... Мозор босиб келгани учун савоб бўлар, дедук. Номи ҳам ўрусча эмас, мусулмонча экан.

— Нима экан номи?!

— Абусумбул!

* * *

— Золим амир Айний домлони етмиш беш дарра урган йили отам Нурхон пайвандни ҳам

ўттиз икки тишини суғуриб олганти... Отамдан хабар олгани борганимда амирни Жалил каллаузар деган жаллоди мани ҳам бир тарсаки урувти.

— Бу ёлғон, замонасоз гаплардан нима оласиз, шоиржон?

— Йўқ, усто бобожон, рост охи...

— Манга қаранг, шоиржон, ўшанда ўн беш ёшли ўсмир бўлгансиз. Сизни бир тарсаки уришга, наҳотки, Жалил каллаузардан бошқа жаллод топилмаган бўлса, сизга инқилобчилик эмас, шоирлик ярашади.

— Шундойми, усто бобо?

— Ҳа, шундай.

* * *


— Бир гап айтайми, Неъмат? Шариф Нурихоннинг қўп шеъри дилини тубидан чиқади, гаплари эса тилининг учидан. Шунинг учун ҳам шеърида ёлғон кам. Лекин тили замонасозлика ўрганган. Бечорани қўп ари чоққанга ўхшайди, кўзига оддий капалак ҳам ари бўлиб кўринади. Илон чоққанни аргамчидан хавотири бўлади...

* * *

— Атир сепганимисиз, шоиржон?

— Йўқ, усто бобожон, биз гоҳ-гоҳда гулоб ичиб турабиз, гулобнинг таом ҳазмига, юракка фойдаси боракан.

— Э бундоқ дент, шунинг учун қаримас экан-сиз-да?



— Бир куни райкүм бобомиз ҳам шундай дебидилар, ман у кишига шеър билан жавоб берувдим.

— Қани эшитайлик, шоиржон.

— Хўш, ана бундой:

Қайроққа тиш ботолмайдир.

Сояни тиф чополмайдир.

Ақлу жоннинг бозори йуқ,

Бирор ясад сотолмайдир.

Даврим донғи ойдек балқли.

Ойни этак ёполнмайдир.

Ишқ шаробин ичган киши

Тўлғонадир, ётолмайдир.

Шарифийнинг иши кўпдир.

Қаришга вақт тополмайдир.

— Э, кам бўлманг шоиржон, қани, омин, бир умр қаришга вақт тополмай, юздан ошиб, қаримай юринг...

* * *

Ман Сизга айтсам, Пирриоф жўра, амир замонида Бухоро вилояти ерларини Зарафшон дайроси сув билан таъминларди. Аму дайронинг суви келали, деган гаплар одамларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Эсимда, ўн ёшларда эдим чоги, қаторасига етти йил қурғоқчилик бўлувди. Рометандан банд босиб, оёққа сув ўтказилмаган эди. Қоракўл халқига жудо оғир бўлганди ўшанда. Амакимнинг айтишларича, амирга ариза ва пешкаш билан келгандан кейин бир ариқ сув тушуриб берилган экан. Аҳолининг кўпчилиги сувсизликка чидай олмай дайро бўйига кўчиб кетди. Хешлар, дўст-биродарлар баҳона Қоракўлга бот-бот бориб турайдик. Ўша

пайтлар дўхтиrimiz ҳам, табибимиз ҳам Қора-кўлдаги Замонбобо туз кони эди. Бизнинг Питмон қишлоғидан икки манзил йўл. Кўпинча қир этагидаги Бозорхўжа қишлоғига тушиб, мачитда намозни ўқиб, эргасига саҳарлаб яна йўлга тушардик. Ким отда, ким эшакда дегандай, пешин чоғи Замонбобо туз конига етиб келардик. Аввалига қумга қўмилиб, роса теллагандан кейин тузга тушардик.

* * *

Қишининг бекорчилигига юқориси Фиждувоннинг Гажқиригача, қуйиси Олотнинг Баландмачитигача тўйларга борардик. У пайтларда меҳмонни қўноққа бериш одати бор эди. Одам сонига қараб тўй масаллиғидан ажратилиб ҳар тумандан келганлар хонадонларга қўноққа юбориларди. Тўйчининг қадарасига қараб тўй уч кундан етти кунгача давом қиласди: Бир кун кўпкари, бир-икки кун кураш... Гоҳ шу тўйнинг ўзида бошқа тўйнинг хабари чиқиб қоларди... уйга ҳам қайтиб ўтирмасдан, ўшандан ўшоқ нариги тўйга борардик... шу-шу ўнён беш кун тўйма-тўй қолиб кетардик.

* * *

Ёз кунлари амаким Ортиқ чўлоқнинг (у киши арбоб эдилар) ишлари гавжумлашиб кетарди. Гоҳ у қишлоқнинг, гоҳ бу қишлоқнинг одамлари сув сўраб келишар, амаким шотирлари ёрдамида навбат билан қишлоқ ариқларига сув оқизар эдилар. Сув оқиш вақтининг маҳсус ўлчагичи ҳам бор эди. Бу тайи игна сиғар катталигига тешилган кўза бўлиб, пошшолик томонидан фақат

аминларга берилар эди. Кўзани сувга тўлдириб, дарахтга осиб қўйиларди, қачон суви тамом бўлса яна тўлдириб осиларди.

Ҳар қишлоқнинг ерита қараб саккиз ёки ўн кўза сув оқизиларди. Бир кўза сув тахминан бир соатда оқиб битарди. Сизларни қум соатларингиз бор-ку, ўшанга ўхшаган нарса-да...

* * *

Амаким раҳматли ниҳоятда ҳақгўй, қаттиқўл одам эдилар. Ўзлариям арбобмисан арбоб эдилар-да. Болалик эмасми, бир гал қўшнимизнинг толидан бир химич синдириб олиб, тойчоқ қилиб миниб юргандим. «Қани чавандоз ўғлим, бери келингчи» деб аста ёнларига чақирдилар-да, қўлимдан тутиб химични қайдан олганимни суриштирдилар. Сўнгра ўша химич билан роса саваладилар. Тўқсон йилга яқинлашибдики, ўша воқеа ҳали кечагидай кўз олдимда. Таёқни жаннатнинг меваси деганлари рост экан. Шу-шу, рухсатсиз бироннидан тишковлашга чўп олмоқчи бўлсам, ўша химич эсимга тушиб, дарров ҳушёр тортаман...

* * *

- Неъмат!
- Лаббай ота.
- Бир ривоят бор, биласанми?
- Билсам керак...
- Билсанг ҳам эшит. Такрор зарап қилмайди: Кўҳи Қоф деган тоғ бўлайкан, шуни икки тарафида иккитагина митти чумоли яшашаркан. Иттифоқо, улар дўстланиб қолибдилар. Тоғни айлананиб ўтиб, борди-келди қиласканлар. Кун-

дан-кун уларнинг меҳрлари бир-бирларига ортиб бораверибди. Йўлнинг узоқлигидан азият чеккан чумолилар шу тоғдан йўл очмоқчи бўлиб, ғайрат билан ишга киришибдилар. Уларнинг ғайрат-шижоатини, бир-бирларига садоқатию ҳамжиҳатлигини кўрган Тангри Таоло бир имо қилган экан тоғ тарс иккига айрилибди. Кўрдингми, дўстлик Оллоҳнинг назарига тушган ана шундай буюк неъмат. Дўст тутиндингми — маҳкам тут! Бу иш ўша дўстингга ҳам, Оллоҳга ҳам хуш келади...

* * *

- Пирриюф жўра!
- Лаббай, усто бова.
- Мана сиз, тиш дўхтирисиз.
- Ҳовва, усто бова.
- Юз ёшда одамга яна тиш чиқади, дейди, шу ростми?
- Рост, усто бова! Фақат киссага қараб ё чинни чиқади, ё тилло.
- Иби, чинни тиш ҳам бўлайканда?
- Бўлади, усто бова, чинни тиш тиллодан ҳам қиммат.
- Менинг тишларим паласмасс. Роментанлик адашингиз Муҳаммаджон қўйиб берувди, жияним бўлади у. Шунисигаям шукур. Лекин донашўрак чоқолмайман-да...

* * *

Ҳе, бу гардуни азалда одамларни бошидан нималар кечмаган! Уруш йиллари, айниқса, бизани Бухоро қишлоқларида очарчилик авжига

чиққан эди. Чунки сув йўқ, шўр, ҳамаёқ қурғоқчилик. Одамлар оч, кунжара, йўнғичқа ейишарди. Бу эртак эмас, бизлар ўз бошимиздан кечирганмиз. Ўшанда дала бошида суюққина ёрма тайёрланарди. Овқатни энди сузиб, ҳар ким ўз корсонини олдига олганида қишлоқдан чиққан Шоназар деган чолга «Ўғлинг ўлди» деган хабар келувди. Шоназар «Ҳозир, ошими ичиб бораман», дея иссиқ ёрмадан икки-уч қошиқ ичди, овқат томоғидан ўтмади, ўқчий-ўқчий, «Во болам»лаб қишлоққа югургани эсимда... Тўхта, давомини эшишт. Кеча Лабиҳовузда айлануб юриб, бир катга ўтириб, чой чақирдим. Ёнгинамдаги катда уч-тўрт улфат сухбатлашиб, шашлик еб ўтирибди. Улардан бирори нон бўлаги билан сихнинг учини артиб, қорайган нон бўлагини хонтахтанинг четига қўя бошлиди. Диққат билан тикилдим. Қимгадир монанд кетади. Бориб суриштирдим. Бу ўша Шоназар чолнинг кичик хотинидан бўлган ўғил экан... Унга уруш давридаги ўша воқеани айтиб берган эдим, ишонмади.

* * *

— Неъмат, бу сан гапирган кишилар қўл остингда, жамоангда ишлайдими?

— Ҳа.

— Санга бир гапни айтаман. Эсингда тут. Бошлиқ деган ўз жамоасининг кўрпаси бўлиши керак. Яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўрпа бўлиб устини ёпсин. Наинки ҳаммага достон қилиб юрса?

* * *

— Усто бобо, Лайлошни кўриб турасизми?

— Ҳа, онда-сонда кўраман. Ҳар қалай, жўрамдан қолган тирноқ. Кечаям излаб борувдим. Отдай ичиб, итдай ўқчиб ётган экан.

* * *

Бу инқилоб деганлари кўпларни йўлдан чиқорди, кўпларни хонавайрон қилди. Ҳе, дариф, қарчигайдай-қарчигайдай йигитлар бекордан-бекорга ўлиб кетди... Файзулло Хўжанинг олдига қамалмасдан аввал ғозғонлик сангтарош жўраси сўроқлаб келган экан.

— Эшонжон, нима қилиб қўйдингиз? Ахир, бу кунимиз аввалгисидан баттар бўлди-ку? Инқилоб дедингиз, мана, оқибати нима бўлди? Бу ёфи нима кечади, Эшонжон?

— Э биродар, сиз сўраманг, ман айтмай, — деган экан Файзулло Хўжа. — Яхшиси, мана бу ҳикоятни эшитинг. Қўрғон қишлоғида кимсасиз бир кампир бор экан. Эри ҳам, болалари ҳам ўлиб кетгач, ёлғиз яшаркан. Унинг бир жайдари сигири бор экан. Ҳар куни шу сигирдан ярим қипча¹ сут соғиб оларкан. Кечқурун сигирни соғиб, сутини очиқ дарчага — шамолгоҳга илиб қўяркан. Эрталаб шу сутнинг бир косасига нон тўғраб ер, қолган бир косасини кўшнига чиқариб, нон олар экан. Бундан бир ўғри хабар топибди. Ҳамма ухлагач, секин келиб кампирнинг хурмачасидаги сутни ичиб кетадиган бўлибди. Бир кун шундай қилибди, икки

¹ Қипча — қўшқулоқ.

кун шундай қилибди. Учинчи куни кампир бир ҳийла ўйлаб топибди. Хурмачага сут ўрнига на-жасу сийдик аралаш суюқлик солиб, яна ав-валги жойига осиб қўйибди. Ўғри тонгга яқин секин келиб хурмачани одатдагидай бошига кўтариб симирган экан, ўқчиб, жаҳл билан хур-мачани ерга урибди, илиш чил-чил синибди... Э, нимасини сўрайсиз, жўра, ман ҳам ўша хур-мачани синдирган ўғрининг ҳолига тушиб қол-дим. Бир... едимки, нари-бериси йўқ...

Ана, кўрдингларми ношукурликни! Бўлма-са, Файзулло Хўжага нима кам эди. Бухорои шарифда иккитадан биттаси эди, мол-дунёси амирникидан кўп эдики, кам эмасди. Масла-ҳатни ўз юртдоши — амир билан эмас, Ленин билан, Фрунза билан қилди... Мансаб деди, мансаб дегани мол-дунёю ширин жон кушан-даси эканини қайдан билибди у осий банда... Худо денглар, умрларингни охирнгача Оллоҳ-нинг ўзи сизларни рост йўлдан адаштирмасин.

* * *

Буқанинг ипи узун бўлса, деворни тешаркан.

* * *

— Элмурод!

— Лаббай, тоғо бобо?

— Сизга бир гап айтаман, ёдингизда тутинг. Қаранг, Оллоҳ Президентимизнинг кўнглига солибдик, сизга туман ҳокимлигини ишониб топшириб қўйибди. Кўлингиз истаган нарсага етади. Аввало, икки нафсга эҳтиёт бўлинг. Ке-йин, товуқнинг тухумини енг-у, зинҳор ўзини

еийишига одатлашманг. Сиздан олдингилар нафакат товуқнинг ўзини, балки эгасини ҳам қўшиб еб юборганлар. Кўриб турибсиз-ку уларнинг аҳволини...

* * *

Бай-бай, муфтининг қизини қозига берган-дай закунний иш бўлди-да!

* * *

— Командирофкага нима иш билан келдинг, Неъмат?

— Шоғирконда уч хотинли бир киши бор эмиш, шу ҳақда фельетон ёзиш керак экан.

— Ёзма! Нима қиласан у шўрликни яна шарманда қилиб? Худо ўзи жазосини бериб қўйибди-ку! Ўйлаёпсанми уч хотиннинг ғиш-ғишини...

* * *

Бу ҳикояни бир гилкордан¹ эшитган эдим. Вақтеки Фрунза Бухоройи шарифга осмондан ўқ ёғдириб ҳаммаёқни ғорат қилди, унинг худобехабар саллотларидан биттаси Минорайи калон тепасидаги лайлакнинг инига замбаракдан ўқ узди. Жонивор лайлакнинг хас-хашакли ини билан бирга миноранинг кунгирадор «теппаги» учиб кетади. Кемтик минорага лайлак ини ўрнига қизил байроқни қадаб қўядилар. Ҳафта ўтади, ой ўтади. Минорайи калонни ўққа ту-

¹ Гилкор — сувоқчи.

тиб, «ярадор» қилған шүро бутун дунёда гапсүз бўлиб кетишидан ўёлиб, уни таъмирламоқчи бўлади. Московдан, яна аллақайси айбак¹ладан устолар чақирилади. Катта бир попкани қўлтиқлаб, сочи пўпниридай бир инжинир келиб, хомчўт қиласди. Минора таъмири учун беш вагон, тахта, бир вагон семун, юз қути мех кетаркан. Даастлаб ўн, ўн беш чоқли дурадгорлар гурӯҳи иш бошлайди. Мир Араб ва Минора оралифидаги майдон от-арава, тахта ва бошқа қурилиш ашёларига тўлиб кетади. Иттифоқо, бир куни Минора ёнидан кекса бир киши ҳассо чолиб ўта бошлайди. «Баҳай, нима ҳаракат?» деб сўрайди. «Минорани зудлик билан таъмирлаш керак бўлиб қолди». «Унда бунча тахта нимага керак?» деб сўрабди қария. «Ҳавоза ясаймиз, усталар ана шу ҳавозада туриб бемалол ишлайдилар. Инжинирнинг топшириғи шу» дейишибди. «Э, эринмаган бандалар, — деб кулибди қария, — эллик газ баландликка ҳавоза кўтариш осонми? Ахир бу ҳавозани ясашнинг ўзига уч ой керак, унгача қиши келади, совуқда таъмирлаш мумкин эмас. Яхшиси, бу ердан анови тахталарни йиғишириб олиб, манга эллик қулоч пишиқ аргамчи, битта эски сандиқ, тўрт нафар мардикор беринглар, бир ўзим ҳамма уста-ю инжинирларингни ишини қилиб, минорани таъмирлаб бераман...»

Аввалига унга ишонмабдилар. Тилмоч орқали анча тортишувлардан кейин қария билан инжинир келишишибди. Уста минора ичидаги бўшлиқдан чиқиб турган қозиқقا бир ғилдирак

¹ Айбак — бурчак.

ўрнатиб ундан арқонни ўтказибди. Арқоннинг бир учига кажава нусха сандиқни қўл тарозига ўхшатиб боғлабди-ю, андава, теша, яна керагича Қурилиш ашёларни олиб, ўша сандиқقا тушибди. Пастдагилар арқоннинг иккинчи учини тортганда сандиқ ғилдираб юқорига кўтарилибди... Шундай қилиб қари уста тўрут нафар мардикор билан бир ҳафта ичидаги «ярадор» минорани таъмирлаб берибди... Лекин орадан 56 йил ўтгач, етмиш олтинчи йилдаги зилзилада миноранинг ўша таъмирланган жойи айрилиб тушди. Кекса устанинг шогирди билан танишлигим бориди, нега бундай бўлди, деб сўрасам, ўшанда ишлатилган семон ва ганч Ўрусиядан қизил вагонда олиб келинган, ғози анча ўлиб қолган эди, деб жавоб берувди.

* * *

Э, нимасини айтасан, бу шўро дегани онасининг сутини минг марта қайнатиб, минг бир марта шопириб ичган. Инқилобнинг бошланишида қишлоғимизга таппонча келтириб сотди. Ўқи йўқ. Боди-ҳавоий йигитлар ўқсиз таппончани тоқиб нари-бери бориб келишарди. Орадан бир оз ўтгач, таппончанинг ўқини опкелиб сотди. Ҳамма талашиб-тортишиб олди. Лекин бу ўқ келтириб сотган таппончаларга тўғри келмаскан... Таппонча эгалари югуриб-елиб, ҳар ер-ҳар ердан ўқ излаї бошладилар. Кейин шўро таппонча эгаларини бир-бир ушлаб қамай бошлади. Шундаям қирғин қилдики, таппончалини ҳам, таппончасизни ҳам олиб қамаб, калтаклаб ўлдираверди. Ҳар бир таппонча учун камида йигирмалаб киши хонавайрон бўлди.

* * *

Тавба, тиш бўлганда гўшт бўлмаса, гўшт
бўлганда — тиш.

* * *

Э, Лайлошни нимасини сўрайсан, оғзининг
иштонбоғи резинкадан, кў...ўп лаққи бўлган
бадбаҳт.

* * *

Шу атрофда Сайд Жаббор деган бир кимса ўтган. Мусича қишлоғидан. НҚВДнинг бошлиғи эди. Э, бу худобехабар кўп одамнинг ёстигини қуритди. Сайд Жаббор деса гавора¹ даги йиғлаб турган чақалоқлар ҳам жим бўларди. Ўшанда НҚВДдан райком секретарлари ҳам кўрқарди. Шу Сайд Жаббор ҳамқишлоғи Пирназар деган кишини қамайди. Қамоқхонада тепкилатиб ўлдиради. Пирназарнинг ўғли, хотинию онасини ҳам қийнайди. Ким қилмағай, ким топмағай... Охир-оқибат Сайд Жабборнинг ўзи ҳам касал бўлиб, худонинг қудратидан гуппидай бўлиб шишиб кетади. Шунақаям азоб чекадики, ўзини қўриқлаб юрадиган мулозими — усто Тоҳир деган сартарошга икки-уч марта, манга заҳар бер ёки отиб ташла, деб худонинг зорини қиласди, у кўнмайди. Жони оғригач, ёдига худо, ўзи жонини оғритган, ҳатто ноҳақ ўлдириб юборган маҳбуслар тушади. Пирназарнинг ўғли ҳамда онасини чақириб, кечирим сўрайди. Пир-

¹ Гавора — бешик.

назарнинг онаси шишиб, сасиб кетган Сайд Жабборга раҳми келиб, ҳеч нарса демайди. Лекин ўғли: «Бу кунингдан ҳам баттар бўл, бу азоб-уқубат ҳам санга кам. Отамни ноҳақ ўлдирдинг, мани отага зор қилдинг. Илоё, худойим сани жони сабилингни олмасин, бу кунингдан эртаниги кунинг баттар бўлсин! Ириб-чириб ўлсанг ҳам, барибир, эрта қиёмат куни икки қўлим ёқандга бўлади!» деб чиқиб кетади...

Сайд Жаббор азоб еб-азоб еб, охири ўлди. Жанозасиз кўмдилар, қайтиб чиқма, гўрингда тинч ёт, деб қабрининг устига варанглатиб милиқ ҳам отдилар.

* * *

Э, бу кўз нималарни кўрмади, бу бошдан нималар ўтмади. Пайшанба қишлоқда бутун юртни гуллатаман деб, кўп кишиларни ёстиғини қурилган Ҳожи большабек деган бир киши ўлади. Айтишларича, одамлар ўлганига шукур қилиб, кўтар-кўтар билан обориб кўмдилар. Эртаси куни қабристон яқинидаги кўлда мол боқиб юрган бачалар унинг қабридан, мани қутқаринглар, ман тирикман, биродарлар, деган овозини эшлишибди. Ҳоказо қишлоқ одамлари тўпланиб келибдилар. Ўша, мани қутқаринглар, деган фарёдни эшлишиб, қулоқларига ишонишмабди. Ҳамма ҳайрон. Шунда Ҳожи большабекдан кўп жабр кўрган мулло ва қишлоқ қариялари гўрни очишга фатво беришибди... Очсалар, худонинг қурдатидан ўргилай, мурда кафанини ямлаб, инграб ётганмиш... Кейин қайта кўмибдилар... ўшанда, унинг оғзини бел би-

лан очиб, кафанин тортиб олишган ва оғзига қозиқ қоқиб ўлдирган эмишлар, деган овозалар ҳам тарқалган эди...

* * *

Урушдан аввал туғилғанмисиз, ҳа, унда майнангиз¹ бутун экан.

* * *

Шўрча қишлоғида Чориқулбой, Иброҳимбой, Холбой далли деган бойлар ўтган. Айниқса, Чориқулбойнинг довруғи оламни тутган эди. Кўйларининг сони — ҳисобини билмас экан. Бир куни ҳовлимизга бир тўп меҳмон келди. Қишлоғимиз арбоби Ортиқ чўлоқ амаким бизларга ўзинг билган ўша катта ҳовлини уч кун тозалатган эдилар. Раҳматли амаким баджаҳл, бир оёқлари чўлоқ бўлсаям жуда ғайратли, шижоатли киши эди. Меҳмонлар келди. Гижингланган чавкар отда, симобий салла, чоржўйи ёқали чакмон, баланд пошна этик кийган, қора соқолли бир йигит, ёнида яна уч-тўрт суворий келиб ташқари ҳовлига тушди. «Чориқулбой келибди» деган овоза тарқалди... Кейин билсак, бу Чориқулбойнинг ўзи эмас, етими экан. Ҳа, Чориқулбойнинг ўзини ҳам кўрганман. Бўйи узун, чайир, чўққи соқолли киши эди. Бошида телпак, узун қалами чопон кийиб, белини чилвир билан боғлаган, оёғида малла кавуш, худди ўзимизнинг Ҳасан амакига ўхшаб кетарди...

¹ Майна — «миянгиз» демоқчи.

1914—1917 йилларда Чориқулбой Зарабашон дарёсига шу күпrikни қурдирди. Ўшанда дарё тұлиб оқарди. Ман ҳам акам билан икки кун күпrik қурилишида қатнашғанман. Мис қозонларда әрталаб ширчой, пешинликда палав, кечликтің шүрва пишириларди. Тандир-тандир патир ёпиларди. Ҳар кун ўнлаб күй сўйиларди. Ҳашарчи ҳам кўп, хизматкор ҳам. Бамисоли катта сайилгоҳга айланган эди.

Күпrik битгач, Чориқулбой амирга «Жаноби олий, марҳамат қилиб күпrikни табаррук этиб берсалар», дея ўзи бориб хабар қилиб келади. Бир сабаб чиқиб, амирнинг ўзи кела олмай, ўрус консулини юборади. Шунда бечора Чориқулбой кўзига ёш олиб, «Оббо, шунча хуноба еб қурган кўпригимдан биринчи бўлиб файридин ўтди-я», деган экан ўкиниб.

* * *

Хе, бу гардуни азалда нималар бўлмади дейсан! Вақтики амир қочгач, ҳаммаёқни шўро эгаллади. Чориқулбойнинг кўпригидан ўтиб келган қизил аскарлар яна қайтиб кетдилар. Албатта, узоққа эмас, шу яқин ораларга. Лекин, улардан бир қизил ақида қолди: бу күпrikни бой қурган! Ҳалққа фойдаси тегса-да, бойнинг маблагига, бойнинг зулми билан қурилган. Ҳўш, уни нима қилиш керак? Бузиш керак! Бузиб нима қилиш керак? Урнига камбағалларнинг ўз кўли билан қулуб қуриш керак... Шундай қилиб, янгигина күпrikни тешаю кирка билан жаранглатиб бузишга киришдилар. Кўпrikнинг ғиши шўро заводида пишган кесак эмаски, уваланиб

кетаверса... Кўпrikни бузишларидан хабар топган Чориқулбой фарёд чекиб ўзини кирка дамига ташлайди. «Нима қиляпсизлар, жон укалар», дейди. «Кўпrikни бузиб, ғиштидан Хайрободнинг устига қулуб қурамиз», дейишади. Чориқулбой: «Илтимос, кўпrikни бузманглар, қулубни ҳам ўз маблагимдан, ўзим қуриб бераман, ғиштни ҳам ўзим топаман», дейди. Улар зўрға рози бўлишади.

Эртасига Хайробод бўйига қўлбола ғишт хумдон тиклаб, янтоқ билан ғишт пиширишга киришадилар. Алқисса, Хайробод бўйидаги қулубни ҳам Чориқулбой қуриб беради. Лекин бирор кимса уни Чориқулбойнинг номи билан атамади.

* * *

Хусайнини узумдек сўриб-сўриб, Чориқулбойнинг шираси — бутун мол-мулкини олгач, куни кеча ўзи қуриб берган қулуб қапталидаги мели-сахонага қамайдилар. Нафақат ўзини, балки бутун авлодлари, хешу таборларини ҳам.

Бир куни уни ўғли билан юзлаштирадилар. Бечора бой: «Яхшимисан, болам, эсон-омон-мисан, чироғим?» дея унга қучоқ очиб келади. Лекин ўғли отасига тескари қараб: «Нега мен бойнинг ўғли бўлиб туғилдим? Камбағал ёки косибнинг ўғли бўлиб туғилсам бўлмасмиди» дейди. Шунда Чориқулбой турган ерида ўтириб қолади, бир оздан кейин чуқур уф тортиб: «Манга қара, ноқобил фарзанд, — дейди, — мана бу ерга ўтири. Ҳали бўзбола йигит эдим, ният қиласардимки, бир кун келиб ман ҳам ўйланарман, хотиним ўғил туғар, тўй қиласарман,

деб. Худои карим мани ниятимга етказди. Тўй-
томушалар билан онангни олдим. Вақти-соати
етиб онангни бўйида бўлди. Худога илтижо
қилардимки, илоё ўғил бўлсин, деб. Онангни
еру кўкка ишонмас эдим, чунки унинг бўйида
менинг зурёдим, мол-мулкимнинг эгаси,
гўштдан айирганим — темир тирноғим бор, деб...
Ниҳоят, сан туғилдинг... Чўлда эдим, суюнчи
келтирган чўпонга оқ тая ва уч кишига учта оқ
арғумоқ миндиридим, санинг йўлинг оқ бўлсин,
деб. Сани йўргаклаб чиққан доя кампирга бош-
дан-оёқ адрес-кимхоб ёпдим, бошинглан ку-
муш-тилла тангалар сочдим, серуруғ, серфар-
занд бўлгин деб. Бенник тўйи, соч тўйи, суннат
тўйларингни ўтказганда ҳам юртга ош бердим.
Чавандозлар сани номингни қайта-қайта тилга
олиб, давраларда оқ фотиҳа бердилар, сан ҳами-
ша бағалимда, тиззамнинг кўзида ўтирадинг.
Тўй-томушалар қилиб, эшигингни очиб бер-
дим, яхши кўрган қизингга уйлантиредим. Гўдак-
ликдан сани номинг «Бойвачча» эди. Қаерга
борсанг, иззат-хурматда эдинг. Во, дарис! Энди
бойнинг ўғли бўлганингга ор қиласанми? Отанг-
нинг ҳаром томчисидан бўлган сан ноқобил
фарзанд, энди отангдан юз ўгирасанми? Шу
умидлар билан сангэ яхши от қўйганмидим?
Ўзим бу қоронги ертўлада ётсам-да, ташқарида
чироғим ёниб турибди-ку, деган умидда эдим-
а... Ё парвардигор, нима гуноҳим бор эдики, ўз
пуштикамаримдан тўраган фарзанд таънаю ма-
ломат чилвири билан мани бўғса!.. Илоё, кўкар-
магайсан, илоё, тирноққа зор бўлгайсан!» де-
ганида, таниш миршаблар ҳам йиғлаб юбора-
дилар, турманинг тошлари ҳам бу фарёдан
эриб кетгандек бўлади... Бойнинг ўғли ҳушини

йиғиб: «Тавба қилдим, отажон!» деген ўзини отасининг оёғи остига ташлайди, юзларини отасининг кавшига суртиб, хўнграб йиғлайди. Шунда Чориқулбой ўғлиниң қучогидан оёғини секин суғуриб олиб: «Тур ўрнингдан, ноқобил ўғил, энди от кетди, қорда қоп-қора изи қолди!» деген юзини тескари ўгиради...

Мен сизга айтсам, жўра, Чориқулбойниң ўша ўғли тирноққа зор бўлиб, хор-зорликда ўлиб кетди.

Отанинг қарғиши ўқ, у охиратда эмас, шудунёда нишонга тегади.

* * *

Зинҳор гаворани чақалоқсиз тебратгулик қилмасин экан.

* * *

Алқисса, Чориқулбойниң қўйларини одамлар талаб кетди. Қирқ саккиз минг бошини давлат мусодара қилиб, ўзига уч йил иш бердилар. Қамоқ муддатини Мирзачўлда ўтаб юрганида унга Бухородан чопар боради. «Ҳа, нима гап?» «Бой бобо, қўйларингиз гурас-гурас бўлиб ўла-япти, мол дўхтирлар ҳам ҳеч чора тополмаяпти, ҳатто Тошкандан ўрус дўхтирлар ҳам келиб, чорасини топа олмади...» Юртни соғинган бой бечора қувониб кетди. «Ўша ўлган қўйларниң қумалогидан борми?» деб сўрайди, «йўқ», деб жавоб қиласилар. Эртасига Рометандан икки қоп қўй қумалогини олиб келадилар. Бой биттасини олиб, титиб кўради, кейин: «Мани ўша яйловга олиб боринглар, қўйларни

ўзим даволайман», дейди. Катта раҳбарларнинг аралашуви билан турма бошлиқларидан зўрга жавоб олиб, иккита канвой билан бойни Рометанга олиб келадилар. Бой қадрдан яйловлардан ўтиб бораркан, худога беҳисоб шукур бўлсин, яна кўрар кун бор экан-ку бу ерларни, деб нуқул куларкан. Қарангки, бой сира йиғла-масакан. Бировлар, дийдаси қотиб кетган, деб тахмин қилишибди. Лекин бой ўлиб ётган қўйла-рини кўрганда беихтиёр ўқраб юборибди. Бировлар буни мол аччиғи — жон аччиғи деса, бировлар шунча жонзотнинг бежон бўлганига чидай олмади, дейди. Ўшанда Чориқулбой, атрофни яна бир карра синчиклаб қўздан кечиргач, икки қоп туз топинглар, дейди. Дарҳол туз олиб келадилар. Бой тузни сувга аралаштириб, намакобни қўйларга алоҳида-алоҳида ичиради... Ўша куннинг ўзидаёқ қўйларнинг ўлими секинлашади. Шунда кимдир: «Қаранг, ҳатто ўрис дўхтирлар ҳам чора топиша олмади-я, эсиз шунча қўй», деганда, Чориқулбой: «Ўрус дўхтирлар ўзбек қўйларни эмас, ўрус қўйларни даволашга уста», деган экан...

Эртасига Чориқулбой қайтиш қилибди, деган хабарни эшилдик. Ҳукумат одамлари жанозасига ҳеч кимни қўймаган экан, ҳалқ ҳовли ичкарисида яширинча жаноза ўқиган... Қани, Тўхтамурол ака, шу одамнинг арвоҳига бир тиловат қилиб юборинг...

* * *

Мен сизга айтсан, бойлар ҳам ҳар хил бўлар-кан. Ўтмишда кўзи тўқ, саховатли бойлар ҳам кўп бўлган. Ҳозирги бойлар-чи? Сув сотиб, қасрдек

ҳовли-жойлар қурган бир бой бўларди. Айтишларича, «Қизилча»¹си ҳам анчагина экан. Шу бой касалланиб, узоқ вақт ётиб қолди. Ҳар кун алаҳсираб: «Қаранглар, латтабўйми? Нима куяёпти? Ошхонага қаранглар, латтабўй, падвалдан келоптими? Мани падвалга олиб тушинглар...» дея бола-чақасини безорижон қиларкан... Ҳар куни ҳидо шу. Секин Абдурайим маҳсумдан гап сўраган эдим, у киши: «Куни яқин қолибди, қачонки фаришталар унинг хаёлида бутун мол-мulkини, ҳовли-жойини ёндириб юборгач, шўрликнинг юраги ёрилиб ўлади», девдилар. Дарҳақиқат, кейинчалик у «латтабўй» ўрнига «ана, ёнаяпти, ёнаяпти... Ўчир! Алантага сув сепинглар...» дея жон берган эди.

Бир вақтлар бўлдики, отаси учун ҳатто бешикдаги боласини ҳам олиб бориб қамадилар. Фалончи бойнинг ўғли, писмадончи савдогарнинг ўғли, э, уми, руҳонийнинг ўғли-ку, анови халқ душмани, униси халқ душманининг думи, деб одамларни сўраб-суриштирмай, «тройка» қилиб, жавобгарликка тортаверадилар. Бир куни домло Фитратдан бир айгоқчи: «Домло, отангизни эслай оласизми, отангиз ким бўлганлар?» деб сўраганларида, Фитрат унинг ниятини тушуниб: «Э, биродар, отамиз ҳам сизнинг отангиздек савдогар бўлганлар», деб жавоб берган эканлар.

* * *

Бухорон шарифда шундай ҳовлилар борки, ташқаридан қарасангиз жуда назарногир, аф-

¹ Қизилча — тилла.

тода, лекин кичик кавза дарвозасидан кириб, нимқоронғи долондан ичкарига ўтсангиз, ана томошаю мана томоша. Айниңса, баланд супадан чиқиб уйга кирсангиз, нақш-нигорли, ойнабанд деворларга, турли хил шақлдаги токчаларга қараб бүйнингиз оғрийди... Оқил, доно кишилар шу хил ҳовлилардай зоҳирان содда ва афтодаҳол бўладилар.

* * *

— Онанг билан турибсанми, Лайлош?

— Йўқ, усто бобо, онам «дом»да турибдилар. Келин ҳовлига сиғдирмади.

— Онангни тўпвидек қорнига сан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа сиққанда, онанг сенинг ҳайҳотдек ҳовлингга сиғмабди-да?

* * *

Ҳаво булут бўлса, икки киши гуноҳкор бўларкан. Чунки биттаси: «Ёмғир ёғади», деса, иккинчиси: «Йўқ, ёмғир ёғмайди», дейди. Гумроҳ бандалар-да, «Худо билади», деса-ку бўлади.

* * *

Юзма-юз келганда сандан аттайи салом кутган такаббур кишига албатта салом бер, бир еринг камайиб қолмайди.

* * *

Фаросат — Ярим каромат.

* * *

Бу ёлғончи дунёда ёлғон гапирганда худодан, рост гапирганда бандасидан құрқиб умргузаронлик қылдим. Во ажаб! Шунинг ўзи мүминлик эмасми? Зеро пайғамбаримизнинг айтгандары суннат, ҳар хил подшоларнинг айтгани вожиб бўлгандан кейин биз ожиз бандалар мажбурмизда, ука...

* * *

Таҳоратсиз бадан — супуруқсиз уй. Супурилмаган уйга меҳмон таклиф қилиб бўлмаганидек, таҳоратсиз бадан ва яхши ният билан покланмаган кўнгилга Оллоҳни ёд олиш одобдан эмас.

* * *

Ўзини сийласанг, итини эркала.

«Бойлоқли ит — овга ярамас». Ҳа, този деса ҳам бўлади. Қани, шу мақолнинг маъносини айтиб берчи... Буям тўғри. Лекин буни бошқачароқ қилиб тушунтирса ҳам бўлади. Манга қара, итнинг бўйнига арқон ёки занжир тушдими тамом, унинг эрки йўқолди, деявер. Энди у таъманинг қулига айланади. Эгасининг феълига қараб ғингшийди ёки думини ликиллатишга мажбур бўлади. Унинг кўзига ов кўринмайди, балки у эгасининг қўлига мўлтираб қарашга одатланиб қолади. Энди ҳалқимизнинг шу мақолини истаган соҳага ҳам талқин этавериш ўзингга ҳавола...

* * *

«Э, ҳофиз, пир шуди ҳарата да берун баст». Форслардан чиққан бу мақолнинг ўзбекчаси шундай: «Э, ҳофиз, энди қаридинг, эшагингни ташқарига бойла!»

Раҳматли мулла Азиз деган киши менга буни шундай тушунтириб берган эди. Қадим замонда бир ҳофиз бўлган экан, унинг овози жуда ўткир, дами — нафаси жуда ёқимли экан. Ашула қилгандаги қушлар ҳам пастга тушиб, унинг танбури дастасига қўниб, худонинг қудратидан унинг хонишига жўр бўлайкан. Бир куни ҳофизнинг довруғи ҳукмдор саройига етиб борибди. Онҳазратнинг ўzlари уни олқишилаб, энг улуғ сийловлар билан сийлабди. Ҳамма уни қайта-қайта олқишилар, бойлар ва аркони давлат кишилари ҳам ҳукмдор назари тушган бу ҳофизни ўз давралари, тўйларига айтишга орзуманд бўлиб навбат кутарканлар. Ҳофиз ҳам бу хил илтифотлардан жуда мамнун, кундан-кун яйраб, яшнаб бораркан, лекин у негадир амалдорлар ҳадя этган отларда эмас, ўзининг қари, кўк эшагини миниб юришни афзал кўраркан. Шундай бўлса-да, ҳамма уни танир, узокдан кўзлари тушиши билан катта-кичик у сари интиларкан. Ҳатто, саройга яқинлашиб эшагидан тушмоқчи бўлса, бирданига қирққа яқин шотир — мулозимлар унга пешвуз чиқиб, «Э, э ҳофиз, тушиб ўтирманг, қани ичкарига ҳайданг!» дея марҳамат кўрсатарканлар. Йил ўтибди, ой ўтибди, ҳофиз кексайиб кучдан қолибди. Қарибди. Шунда у бундан бир неча йил аввал амир ҳадя қилган чавкар отни эгарлатиб,

фарзандлари ёрдамида зўрға отга миниб шаҳар айланибди. Очиги, унинг отга минишга ҳам, отдан тушишга ҳам мадори йўқ экан. У шаҳарни айланиб, айланиб сарой дарвозасига рўпара келиб қолибди. Ўз одатича отини ичкарига ҳайдаб рикоби ҳамкасбларини кўрмоқчи бўлибди, ичкаридан мулошимлар югуриб чиқиб, «ҳай-ҳай, қайт изингга!», деб бақиришибди. Ҳофизнинг қулоги бир оз оғирлашган эмасми, ўнг қўлинини қулоги орқасига тутиб:

— Нима учун?! — дебди бақрайиб.

Пешвоз чиққанлар орасида ёши ўтиб қолганроқ дарбон кафтларини қувача қилиб:

— Э, ҳофиз, пир шуди, харата да берун бастди-я, акун! — дебди пастдан.

Оллоҳга шукур, истиклол туфайли ҳозирги ҳофизлар эшак ҳам, от ҳам минишмайди, балки ҳар куни битта «Волга» ва «Жигули» алмаштириш имконига эга...

* * *

— Нима дейди?

— Лайлош касал экан, буйрагида икки-учта тош қолганмиш.

— Тов?!

— Ҳа.

— Шунча тошни қачон еган экан?..

* * *

— Қани олингларчи, соғлик-саломатлик ва дўстлик учун олайлик! Қани, бисмилоҳи раҳмони раҳим, ҳа бирданига қўтарайлик!..

— Шу ҳаром нарсани ичганда, ёки ҳаром нарсаларни еб, ҳаром ишларни қилганда, бисмиллох, деб нима қиласан? Бисмиллоҳ санга шунчалик хор бўлдими, тилгинанг кесилмагур?! Бисмиллоҳ, деб бошланган ҳаром-ҳаришлиқ, аввал-охир қилган ва қилишга улгурмаган барча куфр ишларингга бир умр тамға бўлиб қолишини билиб ол. Энди сани алкаш Лайлошдан фарқинг нима? Буни мусулмончиликда куфри мужиб дерканлар.

* * *

Ҳамма маҳмадоно ҳам доно бўлавермайди.

* * *

Неъмат, раҳматлик «Мурод мелиса» эсингдами? Шоғирконлик. Ҳа, тўғри, помиласи Муродов эди. Оти Норбой. Жуда чайир, бошқа ҳамкасларига нисбатан бирмунча ҳалол ва жўмард одам эди, раҳматлик. Ман билан жўра эди. Уруш йилларида ўғриларга қирон келтирувди. У билан қирқ бешми, қирқ олтинчи йилларда тонишганман. Ўшанда инкеведини отларини ҳам наҳаллардим. Шу туфайли у билан яқинлашиб қолган эдим.

Бир куни ярим кечалиқда, участковой мени чақириб келиб, Сизни начайлик сўрайтилар, эски қизил чойхонадалар, деди. Тинчлик эканми, дедим юрагимга ҳавл тушиб. Кейин уриб ташқари чиқдим. Нимқоронғу чойхонада Мурод мелиса билан бирга ўзимизнинг Усто Тўхта турибди. Унинг ранги кум-қўйт учган. Қани, марҳамат уйга борайлик, бир пиёла чой, дедим.

Мурод мелиса кўнмади. Кўшни Қумработ қишлоғидан Ҳайит бобонинг гўсаласи, ҳа бузоги йўқолган экан, шу Усто Тўхтадан гумон қилишибди. Чунки у бир ҳафта олдин шу қишлоқда кимгadir эшик ўрнатиб берганда, бузоқчага кўзи тушиб, ўҳ-ўҳ, зўр сигир бўлади-да, деган ва унинг бу сўзини уй эгаси эшитиб, туф-туф, денг кўзингиз тегмасин яна, деганмиш. Усто Тўхта, бу гапни айтганим рост, лекин икки ўғлим ҳаққи-хурмати гўсаладан хабарим йўқ, деб қасам ичса ҳам ҳеч ким ишонмасмиш. Ошхонаси деворидан қон изини топибдилар. Ман бу қон изи яқинда ўғилларини тўй қилиб, қўй сўйган эди, ўшандан қолгандир, девдим балога қолдим, у қолиб мени сўроққа тутишди: «Кўйни қаердан олувдинглар?» дейди. У десам, бу дейди, бу десам, у дейди. Хуллас, Мурод мелиса ҳечам ишонмас, оқсоқол, сиз жим туринг, буни иқрор қилиб бўйнига қўйсак, ўзингиз ҳам қойил қоласиз, деди. Шундай ҳам бўлди. Усто Тўхтани районга ҳайдаб кетишди. Уша Чориқулбой ётган мелисаҳонага. Орадан уч кун ўтгач, ўз айбига иқрор бўлиб, гўсалани ўғирлаб, болаларим билан сотиб едим, деганмиш. Бунга ҳамма ишонса ҳам қишлоқ одамлари сира ишонишмасди. Ҳоказо, бир ҳафта ичиди суд бўлиб, Усто Тўхта шўрликка беш йил бериб, Когондан ҳам нари Каттакўргон турмасига юбордилар. Касал хотини, Бахшулла ва Тоҳир деган иккала ўғилчаси чирқираб қолди.

* * *

Қисқа-кўтоҳ тирамоям қариб, қиши келди.
Ерларнинг шўрини ювишдан аввал, ариқларни
ҳашар қилмоқчи бўлдилар. Хўжайи Убон ари-

ғини ҳар бир қишлоқ ўзига қарашли қисмини қозишга киришди. Қаҳратон совуқ бўлганидан одамлар шох-шаббадан гулхан ёқиб, қўл-оёқларини иситиб олардилар. Темирчи бўлсам-да мен ҳам элнинг шу хил ҳашарларидан четда қолмас эдим. Бир пилла ўзим ясаган қўшқулоқли бел билан нам тўпроқни олиб икки газча юқорига шитоб билан отиб турсам, «Ҳорманг, Усто Амин!» деган овоз эшийтдим. Қарасам, Ҳайит бобо. «Ҳе, саломат бўлинг!» дедим ишимда давом этиб. «Бирпас дам олинг, — деди у меҳри-бонлик билан, — қани, буёқقا чиқмайсизми?» «Нима гап, тинчликми?» деб яқиндаги тол бутокдан ушлаб ўзимни юқорига олдим. «Охиратим куйди, устожон, энди мен нима деган одам бўлдим? Бир куни қамоқдан чиқиб келса, унинг ўзига қандай қарайман? Ўзим тирноққа зор бўлсам — у бироннинг норасида гўдакларини чирқиратиб қўйсам, инсофданми? Гўсала то-пилди, устожон...» «Қаерда экан?» деб сўрадим. «Ана шу Хўжайи Убон ариғига тушиб кетган экан, ман бўлсам Усто Тўхтадан гумон қилибман-а! Икки дунём куйди, устожон ука! Э, йўқ, бўйнидаги мўртигардондан тонидим, ўзингиз ясаб берувдингиз. Ундаги чилвири шу питмонлик Азиз бобо эшиб берувдила... ана бу кўр бўлгур кўзларим билан қарадим, худди ўша гўсаланинг ўзгинаси...»

Ўша заҳоти Рометанга жўнадим. Эшакни Ҳайробод бўйидаги симёғочга боғлаб, мелиса-хонага кирдим. Мурод мелиса ўзида экан, пойлоқчиси ҳам мани танирди, ҳеч нима демасдан унинг кабинетига қўйиб юборди. Одатдагидек хушчақчақлик билан манга пешвоз чиқди: «Ке-

линг, оқсоқол, бу офтоб қайси томонлардан чиқди?» «Хар қалай қибла томондан эмас...» дедим нохушроқ. У столи устидаги чойнакпүшак ёпиб қўйилган чойнакдан бир пиёла чой қўйиб узатаркан: «Хўш, гапирингчи, оқсоқол нима гап?» деб сўради афтиимга диққат билан тикилиб. «Сизга бир хушхабар олиб келдим, ўқтабир ойнда йўқолган гўсала топилди. Усто Тўхта бадбаҳт ўғирламаган экан».

Мурод мелиса ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Ким топди? Қаерда экан?

— Эгаси топди. Хўжайи Убон аригини ҳашар қилаётган эдик, ўша ердан чиқди. Бўйнидаги ола чилвир ва мўртигардонидан тонибди. Гуноҳга ботдим, деб ўзини уриб йиғлагани йиғлаган...

Мурод мелиса бирданига жиддий тус олиб, буйруқ оҳангига кўрсаткич бармоғи билан ишора қилди:

— Қани, яқинроқ ўтирингчи, усто, — деди,
— бориб ўша Ҳайит бобога ҳам айтинг, ўзингиз ҳам гўсала топилди, деб дойра чолиб юрманглар. Бўлган иш бўлди, бу ёғи бефойда...

— Э, Усто Тўхта нима бўлади, турмада ёта-верадими, унинг оч-яланғоч болаларичи, ка-сал хотиничи?!

— Қизишманг, оқсоқол, агар ҳозир Усто Тўхта нотўғри қамалган десам, унинг ўрнига ўзим бориб ётишим керак. Тушундингизми? Яхиси, колхоздан, қишлоқ советидан ва қишлоқнинг ўзингизга ўхшаш обрўли кишиларидан кафилликка олиш бўйича хужжат тайёрланглар, баҳорга яқин бир уриниб кўрамиз... нима дедим, оқ тия кўрдингизми? Йўқ, ҳа шундай бўлсин... чоршанба куни отларни наҳаллашга борганд... бафуржга гаплашамиз...

Ўша баҳор Усто Тўхта қамоқдан чиқиб келди. Мурод мелиса билан орамизда бўлиб ўтган воқеани на ман, на Ҳайит бобо анча вақтгача унга айтишга юрак бегламай юрдик...

* * *

Очиини айтсам, Мурод мелиса дегани жуда зукко ва бирмунча адолатли одам эди. Агар ўша давр одамларини партия андозаси билан баҳолайдиган бўлсак, шу Мурод мелиса ҳалоллик бобида мен билган биринчи одам эди. Яна у томони яратганинг ўзига маълум. Одиллиги учун ҳам бўлса керак, унинг иккита ўғли бўлиб, иккаласига ҳам яхши ном берган эди. Ўз ўғилларини баъзи тенгдошларига ўхшаб КИМ, ВИЛ ёки Петлет деб номламади. Катта ўғлининг оти — Олим, кичигиники — Одил эди. Тўнгичи ўша йиллари Бухоро музофотида энг зўр шахматчи деб довруғ таратувди. Ана шу ўғлига кўз тегиб тўсатдан вафот этиб қолди. Ўша ҳафта Усто Тўхта билан Лағлақа бозорига тушган эдик, эшишиб фотиҳага кирдик. Бечора Мурод мелиса адойи тамом бўлибди. Ўкраб йиғлаганча бўйнимга осилди.

— Билиб-билмай қилган гуноҳларим касрига ўзим эмас, ўғлим учди, устожоон... чемпионимдан айрилиб қолдим, устожоон!.. дерди силкиниб, қон-қон йиғларкан. Назаримда Оллоҳи таоло ўғлининг ўлими билан унга охиратни эслатган ва охират азобларидан бир қисминигина юборгандек эди. Ҳеч бир бандайи мўмин «болам» деса десину «Во болам!» дея юрак-бағри доғ бўлмасин экан.

* * *

Буни қарангки, орадан беш-олти йил ўтмасданоқ Мурод мелисанинг ўзи ҳам ноҳақ, фожиали ўлимнинг ўқига учувди...

Эллик саккизинчи йилнинг мезони эди чаммада. Мурод мелиса ўша кезларда Бухоро туманида начайлик мелиса эди. Унга майор звонияси берувдилар. Энди у нафақат гўсала ўғриларини, балки ундан катта-катта ўғриларни тутишга ҳам устаси фаранглардан чиқиб қолди. Обрў-эътибори кундан-кун ортиб борарди. Воллаҳи аълам, ҳоли ёдимда ўша фожеъ воқеадан ўн беш кунми, бир ойми аввал бизларнинг шу ҳовлимизга меҳмон бўлган эди... эсимда дейсанми? Ҳа баракалла, онанг раҳмати ўшанда тушбера қилган эди. Чакка солиб, бир лаган тушберани паққос тушурган эди. Ўзининг кичик ўғли тўғрисида, сан ва уканг ҳақида гапирдик. Орзулари катта эди раҳматининг. Кетиш олдидан менга, «дуо қилинг, оқсоқол, кейинги пайтларда ишпим кўпам яхши эмасга ўхшайди... гуржи, деб шернинг думини босганга ўхшайман» деди. Мен ҳам унга: «Адашманг, Сизни партия қўллайди, начайлик» дедим. У қаҳ-қаҳ отиб куларкан: «Э, мен ғофил банда ҳеч нарсадан хабарим йўқ экан, ўғрининг каттаси сиз айтган партиянинг каттакони экан! Яна бу гапни оғзингиздан гуллаб юрманг, оқсоқол. Сизга ишонаман-у, лекин ҳар қалай яна бир карра әслатиб қўймоқчиман-да!..»

...Орадан сал вакт ўтмасдан Бухоро вилоятида катта шов-шувга сабаб бўлган бир мишлиш тарқалди. Нимаки дейсан, Бухоро район начайлик мелисаси обкомнинг биринчи коти-

би кабинетида ўзини отиб ўлдирибди. У обком секретарини отмоқчи бўлганда унга кучли босимда ичак билан сув сепгач, у қўлидаги таппонча билан ноилож ўзини ўзи отганмиш... яна ўёғи Оллоҳнинг ўзига аён, лекин воқеаларнинг рафторига қараганда Мурод мелиса ўзи айтмоқчи, гуржи деб шернинг думини босганга ўхшарди. Ҳар қалай, унинг ўлими шу-шу сирлигича қолиб кетди. Мурод мелиса қўл остидаги барча изқуварлар эса, «агар ҳақиқат дегани шу бўлса, биз ҳам ишламаймиз,» деб ҳаммалари ариза ёзишибди. Тез орада юқоридан юборилган ўша биринчи котиб ҳам бошқа ишга ўтганлиги сабабли Бухородан ғойиб бўлди. Яна бировлар Мурод мелиса ўша биринчи котибга қарашли юк тўла икки-учта машинани ушлаб қолгани туфайли у билан айтишиб қолган экан, шунинг учун...

Охириги учрашувимизда унинг «Яна оғзингиздан гуллаб юрманг, оқсоқол!» деган гапига амал қилиб, то шу пайтгача оғзимдан гулламадим. Зеро, гуллай олмас ҳам эдим. Мустақиллик шарофати билан бир гулласам гуллабманда, биродар...

* * *

Ҳаққоният, ҳақиқат борми, деб сўрайсан-а? Ман қаердан билай, ҳақиқат — Ҳақнинг ўзигагина аён бўлса.

* * *

Укангни гапидан хабаринг борми? Қанақа гап дейсанми? Айтмаган бўлса, манга айтди. Ҷақир буёққа!.. Болта, кел, ўтири мана бу ерга.

Аканг билан ҳам бир маслаҳатлашиб олайлик. Кейин йўлинг очиқ, мелисада ишлайсанми, обехесда ишлайсанми, ихтиёринг. Болтани бир синфдоши бор, сан билан ҳамном — Неъмат Аҳматов. Танисанг керак. Обехесда ишлайди, майор. Ўша укангни анчадан берн бизга ишга ўтасан, деб гаранг қилиб юрибди. Қарасам, бунинг ҳам кўнгли кашолга ўхшайди. Энди ман сизларга бир гап айтай, сизларнинг иккалаларингни ҳам ўқитдим. Уйлик-жойлик қилдим. Фақат шу амбўр билан чўкичнинг орқасидан. Амакиларингни уч марта уйлантирдим. Тўй-тамошолар қилдик. Аллоҳга шукур. оч эмассизлар, яланғоч эмассизлар. Болта, сани беш йил Тошканда ўқитдик. Пойтахтни мандан олдин сан кўрдинг. Ҳунар эгаси бўлдинг. Одамларнинг уйини чароғон қиласиган бир касбни эгалладинг. Иликтрчи бўлдинг. Буям етмагандек, сани Боп инжинир қилиб кўтардилар. Қўлингда гулдай ҳунаринг бор. Ҳамма сани Болта Аминович деб ҳурмат қилади. Шу ҳурмат, эътиборнинг ўзи камми? Ахир одамларнинг қоронғу кечасини чароғон қилиш кони савоб-ку? Савобга қарши боришнинг ўзи куфрони неъмат эмасми? Наинки, бойлик ортиргинг келиб қолган бўлса? Обехесга ўтиб, одамларнинг хонадонидаги чироқни ўчирмоқчимисан? Уларнинг бола-чақаси, ота-онасининг кўзига дунёни қоронғу қилмоқчимисан? Тўғри айтасан, обехеслагиларнинг ҳаммаси ҳам чироқ ўчирмайди. Адолат юзасидан уларнинг касблари ҳам керак. Бироқ, ҳаётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, адолат қиламан, деб адолатсизлик, ноҳақлик қилганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Гуноҳнинг совуни —

тавба, унинг карасини — қарғиш, дейдилар. Била-кўра таъма йўлига кирганинг тавбаси кўпам қабул бўлавермас экан. Ўз-ўзидан равшанки, дуо олиш — савоб, қарғиш олиш — гуноҳи азим! Яна айтаман, бу касб санга мос эмас... Чунки сан ёлғон гапиролмайсан, пора ололмайсан, хушомад қила олмайсан, шундай экан, ҳамкасларинг орасида оқ қарғага ўхшаб, шумшайиб қоласан. Яна бир нарса манга аниқки, сани кўнглинг жуда шикаста. Ўттизга яқинлашибсанки, ҳалиям бир дўқ урсам мижжала-ринг парпираб, кўзларингга ёш айланади. Нима? Партия аъзосиман дейсанми?.. Ким айтди санга, партия отасининг айтганини қилмасин, деб? Манга қара, бориб айт ўшаларга, тўқсонга кирган отам бор, норозила де... Йўқ, бу иш санга сира тўғри келмайди, ўртоқ камонист!..

* * *

Ҳазрати Умар разиёллоҳу анҳу халифалик даврларида бир алломайи киром у кишиникига меҳмон бўлиб келибдилар. Коронғу намозшомликда Ҳазрат Умар шам ёруғида бир нима ёзиб ўтирган эканлар. Меҳмон салом бериб кириши билан ёниб турган шамни ўчирибдилару, ўша заҳоти иккинчи шамни ёқиб қўйибдилар. Бу ҳолдан меҳмон ҳайрон бўлиб сўрабди: «Тақсир, битта шамни ўчириб, худди ўшанга ўхшаш иккинчи шамни ёқишингизга боис нима? Бунда ҳам бирор ҳикмат борми?» Шунда у киши: «Албатта бор, мен Сиз келгунча давлат ишлари билан банд эдим, зоро шам ҳам давлатники эди. Энди менинг азиз меҳмоним бўласиз, шунинг учун ўзимга тегишли шамни ёқдим», деган экан-

лар. Қаранг, шу хил одил ва ҳалол покиза раҳбарлар ҳам бўлган экан... Бу ривоят ҳозир ҳам барча катта-кичик раҳбарларимизга ўрнак бўлса арзийди, деб ўйлайман.

* * *

— Ҳа, баҳайр, Ражаббой, қаерлардан сұрасак?

— Ҳе, усто бобожон, пахта завутдан пенсияга чиққанимдан хабарингиз бор. Энди қаердан келишимни сўрасангиз, духтирдан келопман. Шу десангиз, кейинги пайтлар нафасим қисадиган бўлди, уффф!..

— Шундай полвон йигит-а? Хўш, духтири нима дейди?

— Духтир, қоринни йўқотиш керак, юрагингизни ёғ босган дейди.

— Ҳимм, қоринни қандай йўқотаркансиз?

— Эрталаблари майка-турска кийиб чопишим керак эмиш.

— Шундай катта қорин билан-а? Манга қаранг, ука, зинҳор қоринни йўқотманг. Унда кўчадаги бачалар кимни «қорни катта амаки» дейди? Яхшиси, бошқа бир иш қилинг, пок ният билан беш вақт намозга ўтинг. Йил ўтмай қарабсизки, вақти-соати билан қорнингиздан асар ҳам қолмай, тойдай бўласиз. Лабай? «Намозга ўтардим-у, оёқларим оғрийди» дейсизми? Чопсангиз оёғингиз оғримайдими? Ёки бултур, аввалги йил оёғингиз оғримаганми? Бундан кейин-чи?.. Баракалло, шу оёқларингизнинг жонига, қанча йиллардан бери шунча оғир юкни кўтариб юрибди, майли, оёғингиз оғриса намоз ўқиманг... чопинг... фақат фойдаси тегмаса, майли, кейин ман айтганини қилинг...

* * *

Бирда отамнинг ҳузурларига кирсам, у киши: «Астағуруллоҳ... тавба қилдим, ўзинг кечир, парвардигорим...» дея истиғфор айтар, раҳматли онам терсайганча пойгакка қараб ўтирадилар.

— Ишга кетаётган эдим, бир хабар олай дедим. Ҳа, тинчликми, ота?!

— Йўқ, жанжол, кел, яқинроқ ўтири!.. Онангиздан гап сўранг ўғлим, — отамнинг жаҳллари чиққанда дам сизсираб, дам сенсираб мурожаат қилардилар. — Онангиз яна ўша дийдиёсини бошлади. Арзимаган қора калиш учун дилимни калишдек сип-сиё қилдилар. Нима дейди де! «Сизга тегиб нима кўрдим» эмиш. Вой, қудратингдан ўргилай, худо. Эллик беш йилдан бери волидангиздан аҳён-аҳёнда шу таънани эшитаман. У киши билан уруш йилларининг азобуқубатларини, одамларнинг кунжара ва ўт еланларини бирга кўрганмиз. Шу темирчилик, болға-ю омбир билан ҳалол меҳнат туфайли, Аллоҳга ҳазор бор шукур, у киши оч қолмадилар, бирвлардек яланғоч қолмадилар... «Бу сўзингиз таънаю миннат эмасми?» Миннат қилганим йўқ, онажони. Лекин сиз ҳам ношукурлик қилманг-да. Бандасининг bemavrid, ўйламай айтиган ҳар бир сўзи ҳам бамисоли бад ният каби унинг тақдирауда турфа-турфа ўзгаришлар ясашини наҳотки ўйламасангиз. Мому Ҳаводан қолган шу азалий гинани умр карвони манзилга етаётганда қайта-қайта такрорлашдан нима наф? Ахир эллик беш йилдан бери юзингда кўзинг борми демасдан, сизга тегиб нима кўрдим, дейишдан нарига ўтмайсиз. Тавба! Мен-

га тегиб нима кўрганингизни айтиб берайми? Тўхтанг, гапимни бўлманг, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Ҳисоб-китоб қилишга фурсат етди чоғимда. Сиз манга тегиб уч-тўртта боғ-чорбоғли ҳовлида яшадингиз, тирик қолгани икки ўғил ва икки қизнинг камолини кўрдингиз, улардан бунёд бўлган бири-биридан ширин ўн чоқли наберани кўрдингиз. Илоҳо, ёмон кўздан асрасин! Худо хоҳласа, эрта-индин бешинчи aberани ҳам кўрасиз. Яна сиз менга тегиб, биргина маслуқ эшакка зор ўтган худо раҳмати отангиз Мурод ошпаз кўрмаган кўп нарсаларни кўрдингиз; қишлоқда биринчи ойнаю жаҳонни бола-чақангиз билан кўрган ҳам сиз бўласиз, остоңангизда 150 от кучига эга бўлган бири оқ, яна бири кўк иккита ғижинглаган машинани кўрдингиз. Ўғил ва куёвларингиз истаган ерингизга олиб бориб, олиб келиб турса, яна нимани кўришнингиз керак? Гапимни бўлманг! Қишлоқ хотинлари орасида биринчи бўлиб Самарқанду Тошканни кўрган ҳам ўзингиз-ку. Яна менга тегиб, йигирма бешта катта-кичик тўй кўрдингиз. Фарзандларнинг никоҳ тўйи, набера-абераларнинг соч тўйи, бешик тўйи ва суннат тўйларини кўрдингиз... тўйларга Ассахону Тўфаҳонларни олдириб келиб, аёлларга тонг отар базм бердингиз, тўхтанг энди, ҳисоб-китобнинг охирини эшигинг. Яна сиз манга тегиб, ўттиз ёшли бақувват, ножоиз бўлса ҳам айтай, алп қоматли, қора соқол, эпчил темирчининг айни кучга тўлган йигитлик пайтларини ҳам кўрдингиз, шошманг ҳали, яна шу темирчининг соч-соқоли оқариб, тиши тушиб, кўзидан нур кетиб, қулоги кар-ботил бир чол-

га айланганини кўрдингиз. Дарвоқеан, шу бемажол мўйсафиднинг доимий ҳамроҳига айланган қайин ҳассани ҳам кўрдингиз. Фақат, ана шу ҳассани сан ношукур кампир бошига тушганини ҳечам кўрмадинг. Илоҳо, ўша кунни яратган эгам, шу ғанимат умримизда бундан кейин ҳам кўрсатмасин. Чунки, сизнинг бошингизга тушгуси бу ҳасса зарбидан менинг юрагим зирқирайди, бу дунёю у дунём куяди... Энди боринг, ўғлим, Оллоҳ сизни ҳар хил шикасту рехтлар, бад ниятлар ижобатидан ўзи асрасин... омин, Оллоҳу акбар! Ҳа айтмоқчи, бирпас тўхтанг! Ана бу пулни олиб, қайтишингизда универмагдан ўн жуфт олтинчи размирили қалиш олиб келиш эсингиздан чиқмасин, волидангиз набера қудасининг авлодлари сарупосига қўяркан. Йўқ-йўқ, манга қаранг, сиз ҳам жаҳлимни чиқарманг... қайт буёққа! Ма, ана бу пулни ол! Отангизга тегиб бу ҳётда ҳеч нима кўрмаган ношукур онажонингизни кўз олдидা менинг қўлимдан олмасангиз хафа бўламан!..

Ўшанда кула-кула отамнинг қўлларидан пулни олганим кечагидай эсимда...

* * *

... Ҳаёт экан. Янги асрда худди шу ҳол энди ўзимнинг ҳам бошимга тушиб турибди: олтмишни қоралаган кампирим куни кеча «Сизга тегиб нима кўрдим, умрим иш билан адойи тамом бўлди-ку» деб қолса бўладими? Ёпирай! Бу азалий гинани эшитмаган бирорта эркак зоти бормикан, бу оламда? Янгандигиз билан очиқчасига ҳисоб-китоб қилишга ҳали улгурмадим. Отамдан қолган ягона мерос — қайин ҳассани

эса тутганимча йўқ... Қолаверса, истиқлол даври чоллари учун ҳасса тутиш ва соқол ўстириш кундан-кунга урфиятдан қолиб бораётганга ўхшайди.

* * *

Қачонлардир эшитганим бир ҳикоя эсимга тушиб кетди. Бир куни Хорун ар-Рашид деган адолатли пошишо қаландарлар жандасини кийиб қишлоқма-қишлоқ халқ орасида кезиб юрган экан, иттифоқо, денгиз бўйидаги бир ҳовлига кириб қолибди. Уй эгаси бир оз пишиқроқми, ёки ҳасисроқми одам бўлиб лаганинг тайида каттароқ ва устига кичик балиқларни териб қўйиб дастурхонга пешкаш қилибди. Мезбоннинг бу пишиқлигини сезиб қолган Хорун ар-Рашид устдаги кичик балиқларни олиб, уларнинг қулоғига бир нималар дея пичирлаганча бирин-кетин ўз жойига кўяверибди. Шунда мезбон ҳайрон бўлиб: «Тақсир, балиқларнинг қулоғига бир нима деб шивирладингизми?» — деб сўрабди. «Оре, бу балиқлардан мен ҳазрат Юнус алайҳиссаломни кўрмадингларми?» — деб сўрадим. «Хўш, улар нима дейишли?» — қизиқибди мезбон. Шунда Хорун ар-Рашид: «Улар сал пастроқда бизлардан каттароқ акамиз бор, ўшандан сўраб кўринг» дея жавоб беришди. Мезбон ҳам сир бой бермасдан: «Бемалол, марҳамат қилаверсинлар», дея лаган остидаги катта балиқни юзага чиқариб қўйибди. Шунга ўхшаш сизнинг бу қўзичогингиз ҳам семириб ҳали-вери қўчкорга айланмаса керак, шунинг учун ҳозир нақти дўкондан икки кило гўшт олиб қозонга ташлаб юборинг. Чори полвон!..

* * *

Шарифбой, ол, косангни тозалаб қўй. Кетмайди дейсанми, ол, кетади. Ҳалқнинг ёмондан ярим қошиқ деган гапини, наҳотки, эшитмаган бўлсанг? Сандан қолган шугина икки қошиқ салқутни ким ҳам ичарди? Бекордан бекорга тўкиб юборилади. Қани, олчи... Ман санга айтсам, ҳазрат Баҳоуддин балогардондан, энг яхши кўрган одатингиз нима, деб сўраганларида, «косалеслик», яъни коса-ю лаганларни ялаб қўйишлиқ, деб жавоб берган эканлар. Ўша замонларда бойлар томонидан йўқсил ва қаландарлар учун катта мис қозонларда ҳалим, ўмоч, мошова, атала сингари овқатлар пишириб, оши худойи сифатида тарқатилар экан. Ҳазрати Баҳоуддин одамлардан бўшаган барча тавоқларни тозалаб, ялаб қўярканлар. Бу очликдан эмас, балки, у улуғ зотнинг камоли камтарликлари, энг асосийси, Оллоҳнинг иродаси билан бандалари яратган неъматларни исроф қилмаслик туфайлидан бўлган. Чунки, бу дунёда энг катта гуноҳ куфрони неъмат ҳисобланади. Яна биласанми, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам ҳам ҳар галтаомга ўтиришдан олдин қўлларини ювиб, учбармоқлари — бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан танаввул қиласканлар. Овқатланиб бўлгач идишдан ташқари ҳар учала бармоқларини бирин-кетин ялаб, кейин Аллоҳга шукроналар айтиб, яна қўлларини такрор юварканлар. Сан билан ман бандамиз, наҳотки шунга амал қилмасак. Ҳа, баракалло, гап мана бундай бўлибди-да, отам...

* * *

Ҳамма замонларда ҳам бойлар ва гадойлар бўлган. Бойлар ўз саховатидан, гадойлар қаноатидан мартаба топишган. Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб берай. Гадой дегани бойдан ҳам, камбағалу косибдан ҳам бирдай садақа сўрайди. Бир пайтлар бўлдики, эшигимизга габрдай бақувват бир гадой келиб «ҳақ дўст» айтди. Унга нон чиқариб берган эдим у: «Йўқ, кўнглингизга келмасину, нон олмайман, кўтариб юриш оғир, яхиси, тўрт-беш сўм пул берақолинг» деди. Орадан йигирма йилларча ўтиб, ўттиз еттинчи йилларда ўша гадой яна эшигимиз олдида пайдо бўлди. Энди у жуда қариган, соқоллари оқариб, чопонининг пахтаси чиқсан, ҳақиқий гадой тусини олган эди. Унга бир ҳовуч пул бердим. У: «Йўқ, бойвача, оддий қофозни нима қиласман, яхиси, бир тишлигина нон чиқариб беринг», — деди ялиниб. Тавба қилдим, бад қилдим, ўзинг-ку гадой бўлиб, бирорвнинг эшигига келибсан, уй эгаси нимаики берса, дуо қилиб олавермайсанми, ношукур банда! Барибир ҳамма саъи ҳаракатинг шу тешик тамоқ учун-ку, — дея пиҷирладим унга эшииттирмасдан. Изидан «Астағфируллоҳ» деб кўйдим.

Манам эшиитган ва кўрганимни айтаман-да, жўра. Пайғамбаримиз Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ҳаж мавсуми тугагач, саҳобаларга фалон шаҳардаги фалончи қассобнинг ҳажи қабул бўлди, деб эълон қилибдилар. Қассобнинг ўзи келмаган экан. Икки-уч нафар қизиқувчан, синчков кишилар ўша

қассобни излаб кетишибди. Күрайлик-чи, бунинг қандай савобу каромати бор экан, дебдилар-да. Излаб-излаб уни топибдилар. Қассоб дўконида ишлаб турган экан. Ундан суюнчи олишиб, энг охирида, «Сизнинг қандай олижаноб фазилатингиз борки, Маккайи мукаррамага бормасдан туриб ҳажингиз қабул бўлди», деб сўрабдилар. Қассоб, бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Факат мен тарозига жуда эҳтиёт бўламан, ҳақни ноҳақ қилмайман, дебди. Ҳалиги кишилар изларига қайтиб, бегона бир кишини пойлашга ёллабдилар. Айғоқчи бир четдан туриб қассобни кузата бошлабди. Қассоб тарозига ҳар гўшт ташлаганда ортиқчасини кесиб олиб бир халтага сола бошлабди. Кечликда уйига қайтганда ҳалиги айғоқчи ҳам унга эргашиб келади. Қассоб уйига киргач, у томига чиқиб яшириниб олади. Бир оздан кейин қассоб уйдан бир чўчқани ҳовлига олиб чиқади, уни совун билан обдан ювиб-тарайди, кейин олиб келган халтадаги гўштдан унинг оғзига бир тугун-бир тугун едиради. Бу мўъжизани кузатиб турган ҳалиги айғоқчи ўзини тап этиб томдан ташлайди-ю, қассобнинг ёнига келиб, «Мен гуноҳкор, осий бандани кечирасиз, жанобларининг гўшит ўғирлаб келиб чўчқани боқишлирага ва ҳажга бормасдан туриб ҳажларининг даргоҳига қабул бўлишига боис нима, малол келмаса шу сирдан биз осий бандаларни воқиф этсангиз», дейди. Шунда қассоб, чўчқадан сал нарироқ бориб, айғоқчига: «Бу чўчқа менинг отам бўлади, у киши қарғиш олиб шу куйга гирифтгор бўлганлар, бир неча йилдан бери унга қарашиб кела-ман, отам ахир», дейди...

* * *

Дарёи Шўрда бир балиқ бўларкан, ҳар куни сувдан чиқиб, «Худоё худовандо, илоё оби раҳматингни ёғдиргайсан», деб оғзини осмонга очиб илтижо қиласкан. Яратганнинг инояти билан осмондан шовиллаб оби раҳмат ёғаркан, унинг бир томчisi балиқнинг оғзига тушса, ундан жавоҳир, икки томчи тушса, тош ҳосил бўларкан. Оби раҳматдан хабар топган илон ҳам оғзини осмонга қараб очиб тураркан, унинг оғзига тушган томчилар заҳарга айланаркан...

* * *

Раҳматли Шариф Нурхон Бухорода яшаб, қашшоқликда ўлиб кетган Наққош гадо деган шоирнинг бир байтини тез-тез такрорлаб юради:

Куп бўлсаям кетади,
Кам бўлсаям етади.

Энг катта бойлик — бу қаноат.

* * *

Бир пайт дўконда ишлаб турган эдим. Ҳаво ниҳоятда иссиқ. Ёнимдаги ёғоч катга шофириконлик пиримиз — раҳматли усто Маҳмудни ўтқазиб қўйганман. Тушга яқин Бобоев деган вакил келиб, ҳе йўқ-бе йўқ, мани сансираб кетди. Нега пахта теримига чиқмадинг, пахтанинг душманимисан, дейди. «Шофирикondай жойдан пиримиз меҳмон бўлиб келганлар, тешага сув беришни ўргатаётган эдилар, пешин-

дан кейин албатта далата чиқиб нормани бажа-
раман», дедим. Қани энди қулоқ солса! Жуда
зол киши эди. «Ман сани ўз ёғингга қовураман»,
дейди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Ман
ҳам қўлимдаги чўкич билан унга рўпара бўлиб,
«Мани ортиқча ёғим йўқ, темирчиман, фақат
пайу гўштим бор, ёғ сандада, тuya ўғриси!» деб
бир хезланган эдим, кажава қорнини судраб
қочиб қолди.

* * *

«Қизил маъданчи» артелида ишлаб юрганим-
да Қодиров деган бир киши бошлиқ бўлиб кел-
ди. Катта охурлардан ем еб ўрганган. Ҳар куни
ўзим қурган дўконни муҳрлатиб кетади. Идора-
сига бораман, нима қилай, бола-чақани боқиши
керак, ўртоқ Қодиров, дейман. Майли, бораве-
ринг, усто, дейди. Бир кун ҳам ишламасдан шо-
тирларига усто Аминни дўконини ёпинглар, деб
буйруқ беради. Ҳар кун ҳидо шу. Жонимдан
тўйиб кетдим. Қоним суюлиб, Қодировнинг
идорасига бордим, котибасининг ҳайҳайлаши-
га қарамасдан эшикни жаҳл билан тортдим.
Жуда шайтон одам эди, важоҳатимни кўриб,
келинг, устожон, марҳамат деди, усталга ўтқа-
зив, бир пиёла чой қуйиб берди. Мусулмонмиз-
да, яхши гапнинг гадоси. Ўша заҳоти юмшадим.
Хўш, устожон, нима гап, деб сўради. Шундай-
шундай, деб нолиган бўлдим. «Э, устожон, анча
овора бўлибсиз-да, ўзингиз овора бўлиб келиб
юрмасдан, Ленин бобони юборсангиз ҳам бўлар-
ди-ку», дейди. Ҳайрон бўлиб, «Қайси Ленин
бобо, у киши йигирма тўртинчи йилда вафот

этганлар-ку?» десам, «Ҳа, соддасиз-да, усто бобо, соддасиз. Ленин ўлган булса-да, ленинизм тирик, у кишининг суратлари туширилган бир парча қофоз ҳам топа олмадингизми, охи?» дейди нобакор. Шунда билдим унинг нимага шайма қилаётганини...

* * *

— Усто бобо, эшитдингизми?

— Нимани?

— ОБХСС бошлигининг уйидан бир миллион саккиз юз минг сүм пул, икки кило тилло чиқибди. Мол-мулкини мусодара қилиб, ўзини қамабдилар.

— Бу шўронинг билганича бор, қўйни ҳам семиртириб сўядилар-да...

* * *

Сураткашлар Ибн Синонинг суратини афшоналик Усто Сами бобони қантариб қўйиб чизганларидан хабаринг бор-а, Неъмат. Жуда файратли, шижоатли даванг чол эди раҳматли. Кучоққа сифмайдиган болорларни¹ ҳам азот кўтариб кетаверарди. Шу киши шаҳардан эски бир ҳовличани олмоқчи бўлиб, горкўмхўзга қатнайдилар. Кўмхўз бошлиғи Усматов бугун кeling, эртага келинг, дея у кишини роса овора қиласди. Тинка-мадори қуриган Усто Сами бобо Зайнев деган нафақахўр мелиса ошнасига маслаҳат солади. Мелиса ҳам ҳушёр эмасми, ота-

¹ Болор — хари.

хон, Усматов Сиздан пора таъма қиласыпти, заҳри маргига бир нарса олиб бориб беринг, дейди. Усто Сами бобо, пора учун пулим бор, лекин у хонасаллотга қандай қилиб бераман, охи, пора-ришва бериш шариатда гуноҳи азим саналади, умримнинг охирида гуноҳга қўл ураманми, дейди. Мелиса доно эмасми, бунинг учун бир ҳийлаи шаръий ўйлаб топади. Э, Усто бобо, зап соддасиз-да, бир пачка уч сўмликни олинг-да, ўша Усматовни хало топиб, шу пачка билан бетига бир тушуриб, мана буни олиб, ишимни тезроқ битириб бер, десангиз олам гулистон. Бир ҳафтага қолмай ишингиз ҳал бўлади, яна гуноҳ ҳам саналмайди. Чунки, сиз унга пулни уриб, мажбуран берган бўласиз. Пора саналмайди. Ўйлай-ўйлай Усто Сами бобо бир даста уч сўмликни топиб, Усматовнинг идорасига боради. Қараса, у ёлғиз экан. Усто Сами бобо ҳам тап тортмасдан унга рўпара бўлади-ю, пачка билан унинг ўнг бетига бир тушуриб, олинг ука ана буни тезроқ, ишимни битказиб беринг, деб пулни унинг олдига ташлайди. Усматов пачкани олиб қарайди ва ғаладонга ташлаб, чап бетини тутади.

— Худди шунақасига бу юзимга ҳам битта туширинг, — дейди.

Усто Сами бобонинг куфри ошиб:

— Ҳў, ўша таррагингни... — дея бақувват, гўштдор қўли билан унинг чап бетига бир тарсаки тушурган экан, Усматов деганлари умба-лоқ ошиб, вой-войлаганча усталнинг тагига кириб кетибди...

Бу ёлғончи дунёда рост сўзлашнинг ўзи амри маҳол. Гоҳида шу рост сўзнинг масъулияти туфайли келиб чиқадиган навбатдаги ёлғонлар кишини бебурд қиларкан. Шунинг учун баъзида сўзламасдан, сукут сақлашга мажбур бўларкансан киши.

Ўша Усто Сами бобо умрининг охирида вилюят мол дўхтири идорасида ҳам тўрт-беш вақт қоровуллик қилган эди. Идора Гоянкушондаги эски бир ҳовлида жойлашган бўлиб, ярим кечаликда дарвоза тақиллаб қолади. Қоровул чиқиб очса, эллигинчи йиллар колхоз фаолларига ўхшаш чиркин шапка кийган, миқти гавдали кимса оқ қопга ўроғли бир нимани кўтариб турибди. «Кимга ишингиз бор?» У ҳе йўқ, бе йўқ, шошилиб ўзини ичкарига олади. Ҳансираб қопни ерга қўяркан, «Отахон, шуни дўхтир акамизга бериб қўйсангиз», дейди. Усто Сами бобо, «Очингчи, бу нима ўзи?» деб сўрайди хавотир олиб. «Буми, бу сўйилган қўй, қишлоқдан совфа, қўй деганлари бизда дехқончилик». «Ким билади, эҳтимол, бу бироннинг мурдасидир». «Худо сақласин-е!» Ҳоказо, якраҳа қоровулнинг талаби билан сўйилган қўй гўшти қопдан чиқарилади. «Шу қўйни дўхтир акайизга бериб қўяйми?» «Ҳа, «Саноат» калхўэни пермаси юборибдилар, дейсиз». Қоровул бобо қўйни айлантириб қўраркан, беихтиёр кулиб юборади:

— Ўв ука, манга қаранг, ўзлари нима иш қиласидилар?

— Биз икспедитор, — дейди келувчи киши ҳайрон бўлиб, — ҳа, нимага куласиз охи?

— Хўш, икспедитур бўлсангиз, менга айтингчи, бундан олдин қўй-пўй деган жониворни кўрганмисиз?.. Ҳа, баракалло, кўрган бўлсангиз, қўйда нечта оёқ бўлади?

— Тўртта!

— Унда нега бу қўйингизнинг оёғи учта?.. Йўқ, ука, гапни кўп айлантирманг, бунинг битта олдинги оёғи қани? Эртага дўхтири келиб мандан сўрасалар, нима деб жавоб бераман? Бўлмаса, манга келтирган қўйимнинг оёғи учта эди, деб исправка ёзиб беринг, олам гулистон.

Аммо экспедитор, ўламан саттор справка беришга кўнмайди. Қоровул бобо дўхтири Худойбердиевнинг уйига телефон қилиб, хўжайинга бор гапни айтади. Дўхтири ҳам уйқудан уйғонгани учун, тўнғиллаб: «Майли, зарари йўқ, экспедитор кетаверсин, ҳозир ўзим етиб бораман», дейди. Ҳаял ўтмай, мол дўхтири ҳам етиб келади. Гўштни у томон, бу томон ағанатиб кўриб, ўранг буни, дейди. Гўштни ўраб боғлагач, дўхтири юмшоқ овозда:

— Отахон, энди дарвозанинг олдини қарангчи, битта тую бор эди, турибдими! — деб буюради.

Содда қоровул бобо ғизиллаб бориб дарвозадан хабар олиб келади.

— Ҳеч қандай, тую-пую йўқ-ку у ерда! — дейди.

— Оқ туюни ҳам кўрмадингизми?

— Йўқ! — дейди Усто Сами бобо дўхтирининг юзидағи истеҳзоли қулгидан гапнинг нимада эканлигини тушуниб.

— Ҳа, қандингизни уринг, унда, оғаҳон, мен шу ерда бўлиб тураман, ана бу халтани кўтариб бизнинг уйга обориб берасиз... йўқ, эртага бўлмайди! — дейди буйруқ оҳангидан. — Кейин тезда қайтиб келиб менга жавоб берасиз. Ҳа қимилланг тез!

Эртаси куни Усто Сами бобо янги ишхонасидан «расчўт» қилиб келди, нега бундай қилдингиз, деб сўрасам:

— Э ғалатимисиз, тақсиржон, — девди у дам кулиб, дам «таррагингни» дея сўкиниб, — порага келган қўйни кўтариб балоҳўр молдўхтирганинг уйига етиб боргунча «оқ тия кўрмаган» имга минг пушаймон қилдим, инқиллаб ҳар қадам ташлаганда «Саноат» калхўз икспeditорига раҳмат айтаман денг, яхшиямки, қўйнинг бир оёғини кесиб олган экан, акс ҳолда бўларимча бўлардим...

* * *

Айримлар томоқдан ўтгани ҳисоб, дейишади. Бироқ, томоқдан ўтганинг ҳам қачонлардир ҳисоб-китоби бор. Бу дунёда бўлмаса охи-ратда!

* * *

Зинҳор бу ёлғончи дунёда ўликдан жон, гадойдан садақа, ҳасисдан насиба, товуқдан сут сўраманглар.

* * *

— Неъмат!

— Лаббай, ота?

— Ҳазрат Нақшбандхонни¹ билармидинг?
— Ҳа билардим, дуо ҳам олганман.
— Раҳматли зап олижаноб зот эдилар-да. Парвардигорнинг ўзи кечирсин-у, янглишмасам, тирик чилтонлардан биттаси эдилар. Хотин, бола-чақа йўқ, таркидунё қилиб ўтдилар. Гузар вакил Мирзо Дўлобнинг янги ҳовлисига қўшни эдилар. Кичкинагина ҳужрада яшардилар. Бор бисотлари битта эски пўстак, битта офтоба эди, на кўрпа-тўшак, на қозон-товоқ, ҳатто чойнак-пиёлалари ҳам йўқ эди. Бу ҳужрани бир марта-гина кўрганман. Ҳалиям кўз олдимда турибди: ҳазрат жойнамоз устида чўкка тушиб рукуъга кетганлар, ингичка бўйинлари ўнг елкалари томон сал қийшайган... Мирзо Дўлобнинг айтишича, бирор киши ҳазрат Нақшбандхонни ухлаганларини ёки ёстиқقا бош қўйганларини кўрмаган экан.

* * *

Шаҳарга янги кўчиб келган йилларимиз эди. Ҷўпбоз гузарида ўтган бир маросимда олифта бир кимса Чори бобо деган жондорлик кишига «Ўв саҳройи!» деб таъна қилувди, унинг бу гапи қишлоқдан янги кўчиб келганим учун манга ҳам тегиб кетди. Ранг-рўйимда ўзгариш зоҳир бўлди шекилли, Нақшбандхон секин:

— Ҳафа бўлдингиз-а, устожон? — дедилар.
— Парво қилмашг, ҳар қанақа одам бор-да, аслида бизам рометанлиkmиз. Ота-боболаримиз

¹ Етти пирининг бири — Ҳожа Али Рометаний шажара-сининг сўнгги вакили.

Мирмуллода макон топганлар. Энди шаҳару саҳро масаласига келсак, Оллоҳ таолонинг яратгани ўн саккиз минг олам бўлган, шаҳар билан қишлоқни эса бандаларнинг ўзи қурган, шунинг учун ҳам бирор-бировидан қизғаниб яшайди. Айтайлик, ҳозир мен саҳротга борсам-у, ўти ўришга қўлим келмаса, ўша ердаги оддий бир бала ҳам «Ҳи, шаҳри» деб кулади.

— Анави киши бала эмас-ку, ҳар қалай,— дедим қизариб.

Нақшбандхон мийиқларида кулдилар.

— Тўғри, бала эмас, лекин балаликларича қолиб кетганлар. Кенг бўлинг, устожон, гуноҳи ҳам шу соқолли баланинг ўзига.

* * *

Ҳазрати Нақшбандхон тўй, хатми Қуръон ёки ифторликда кўп овқат емасдилар. Бирор марта у кишининг овқат чайнаганларини кўрмаганман. Чим-чим татиниб қўярдилар. Маросим тугаб, дарвозадан чиқиш олдидан эса у кишининг одатларини билган хонадон эгалари бир қийиққа иккита нон, бўғирсоқ, қанд-курс туғиб берарди. Ҳазрат тўйхонадан чиқиб, маҳаллага яқинлашганда болалар чувиллашиб ўраб оларди.

— Мангаям беринг, бобожон...

— Манбаям тет...

— Мне тоже...

Нақшбандхон болаларга биттадан қанд тарқатардилар, етмаганига бир тишламдан нон улашиб чиқардилар. Ҳар куни неча жойга айтилсалар, албатта, шунча марта болаларга қанд-курс, бўғирсоқ ва нон тарқатардилар. Болалар ҳазрат-

нинг бу ишига кўнишиб қолган, чунки ота-оналари уларга Нақшбандхоннинг қўлларидан нарса олиб ейиш — савоб, деб ўргатган эдилар.

* * *

— Иложи бўлса, ҳар куни бориб Нақшбандхондан дуо олардим. Уша куни қандай мушкул ишим чиқсаям, албатта, осонгина ҳал бўларди.

— Тўғри, имтиҳонлар олдидан манга ҳам икки-уч марта дуо олиб бергансиз. Ўшанда мени ёмон кўрган энг баттол домлалардан ҳам «беш» олиб келганим эсимда.

* * *

Гузаримизда бир тақводор киши бўларди. Охиратим обод бўлсин деган ниятда ўн етти ёшли қизини никоҳлаб бериш учун ҳазрат Нақшбандхонга одам кўйибди.

— Кимга? — деб сўрабдилар ҳазрат.

— Ўзларига, — дебди гузар вакил. Ҳазрат бир сесканиб, қизаргандек бўлибдилар, сўнг аста бош кўтариб:

— Нима қиласарди у кимса мани гуноҳга ботириб? Ахир, у қиз мани наберамга тенг-ку... Кейин ҳадемай манга аталган парию ҳур-ғил-монлар васлига етсам керак, — дебдилар.

Ҳалиги тақводор киши уялиб, бир неча кунлар ҳазратимга рўпара келолмай юрди. Кейин кўпчилик олдида ул зотнинг оёқларига йиқилиб кечирим сўради.

— Туринг, ука, жойингиздан. Сиздан хафа эмасман. Сиз карнайсиз, карнайчи бошқа... Яратганинг ўзими ёки у бунёд этган шайтонми шу

тапни күнглингизга солган эканки, сиз айтгансиз... Сиздан хафа бўлсам, Оллоҳ таолога хуш келмас, — дедилар ҳазрат.

* * *

Бир куни Ҳазрат Баҳоуддин балогардон ҳузурларига кўнгли шикаста, дарди бохуруж бир мурид келибди. Унинг дардини енгиллаштириш мақсадида тўпланғанлар пирдан ўтиниб сўрашибди: «Ҳазрат, бир каромат кўрсатсангиз, шояд бу шўрликнинг қасали енгиллашса». «Эгофил бандалар, кундай равshan кароматимизни кўрмаяпсизларми, шунчалик гуноҳи азим билан ер юзида юришимизнинг ўзи каромат эмасми? Яна қандай каромат керак Сизларга?!» — деб жавоб берган эканлар.

* * *

Сизларга Хожа Баҳоуддиннинг бир кароматлари ҳақидаги ривоятни айтиб берайми? Уни ҳам раҳматли Нақшбандхондан бир хатми Қуръонда эшиитган эдим. Баъзи ўринлари эсимдан чиққан бўлса, Аллоҳнинг ўзи кечирсин. Айтишларича, илгари Хожа Баҳоуддиннинг авлиёликлари ҳали эл орасида унчалик маълум эмас экан. Вақтеки, Самарқанддан уч ака-ука савдогарлар келиб Бухорою шарифда макон тутишади. Улардан кенжаси нонвойлик, яна бири савдогарлик, тўнғич акаси дўкондорлик қиласкан. Бир куни Хожа ҳазратлари хайлан гайб оламига сайр қилганиларида новвойнинг қазоси яқинлашаётганинг гувоҳи бўлибдилар. Дарҳол келиб, нон ёпиб турган новвойдан «Аллоҳ йўлига нонингдан бит-

тагина бер!» дея сўрабдилар. Новвой бермабди. Унинг қазоси анча яқинлашибди. Хожа иккинчи маротаба сўраганла ҳам новвой ўзини эшитмаганга олибди. Учинчи марта Хожа анча ялиниб-ёлворгандан кейин новвойнинг энсаси қотиб яримта нон берибди. Хожа нонни қўлига олиб ўша заҳоти осмонга отибдилару новвойга, энди осмонга қара, дебдилар. Новвой осмонга қараса ўша яримта нон кўкли муваллақ турар, унинг орқасида эса бир бўлак қора булут — ажал шарпаси ер сари осилиб тураркан. Гўё уни осмонга отилган шу яримта нон ушлаб тургандек эди. Хожа пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг ҳадисларини ўқибдилар: «Садақа расуллулоҳил — балойан» (бу ҳадисни айрим дарвишлар «Садақа радди бало» шаклида ҳам ишлатадилар). Ўша новвой ёқасини йиртиб, вовайло, деганча пирнинг оёқларига йиқилиб, у кишига мурид бўлган экан. Кейин новвой йигит Хожанинг кароматларини ўз оғаларига бориб айтибди, улар бунга шак билан қарашибди. Шунда новвой: «Ишонмасаларинг, эртага мени ўлдига чиқариб, жасадимни тобутга солиб Хожанинг ҳузурларига олиб боринглар-ла, укамизнинг жанозасини ўқиб беринг, деб илтимос қилинглар, агар ул зот жанозамни ўқисалар, тирик кишига ҳам жаноза равоми, деб фарёл чекканча у зотнинг ёқаларидан олинглар», дея васият қилибди. Икки ака-ука иниларининг жасади солинган тобутни Хожа ҳузурига олиб бориб, жаноза ўқишини сўрабдилар. Жаноза ўқиб бўлингач, дўкондор ака Хожага: «Авлиёман, авлиёман дейсан-у, нега яна тирик кишига жаноза ўқийсан?» дебди. Шунда Ҳазрат Баҳоуд-

дин «Эй, нурилийдаларим, Аллоҳ шоҳид, агар у тирик бўлса, тобутни очиб қаранглар!» дебдилар. Тобутни очиб қарашса, новвой бола аллақачон ўлиб, бадани тарошадай қотиб қолган эди. Шунда ака-укалар уввос солғанча йиглаб, Хожанинг оёқларига йиқилиб, тавба қилишибди ва энди дуо билан укамизни тирилтириб беринг, дея ялиниб ёлворишибди. Хожа Оллоҳга ялиниб дуо қилган эканлар, мурда аксириб ўрнидан туриб кетган экан...

* * *

Яна яраттанинг ўзига аён-ку, бу дунёда мардуми Бухородек иймон-эътиқоди мустаҳкам, серихлос ҳалқ топилмаса керак. Шунинг учун бўлса керак, бу табаррук заминнинг ўтмиши ҳам, ҳозири ҳам сиру асрорларга бой. Ёдларингда бўлса, олтмишинчи йилларнинг охирларида Бухоройи шариф қўчаларида бир киши дарбадар кезарди: қишу ёз эгнидан пахталик телеграйка, бошидан эски, аскарча телпак тушмас, бир қарашда у кўмир ташувчи ҳамолларга ўхшаб кетар, кийимлари ҳам, қўл-бетлари ҳам қопқора, чиркинликдан йилтираб турарди. Ўнг қўли йўқлиги учун, бўш енги белидаги эски камарга қистирилган, тилу забонсиз бўлса-да, қулоги яхши эшитар, ўзи кийикдай хушёр эди. Ҳа баракалло, сиз ҳам кўрган экансиз. Худо раҳмат қиисин, ана шу зот ҳақида ўша кезлари ғалати афсона гаплар юрарди. Бирорлар уни асли во-дийлик бўлиб, ўтмиши ўғри ўтган деса, яна бирорвлар, йўқ, ҳар хил сафсата гапларга инонманг, гуноҳга ботасиз, яхшиси унга дикқат би-

лан разм солинг, бу киши беҳикмат, бекаромат эмас, ёшлигидай у булбулдай қироатга эга кори бўлган экан, ман сизга айтсам, инкеведини одамлари оғзига қайнаган сув қуйиб, тилини куйдиришган, қўлини уриб синдиришган, дея шивирлашарди. Одамлар уни тез-тез бозор рас-таларида, Лабиҳовузда учратардилар. Яна биров-ларнинг айтишича, у Ҳазрати Имом қабристо-нида бўш бир сағанага кириб ётаркан. Дар-ҳақиқат, у бехислат эмас эди. Ҳаммадан ҳам са-дақа олавермас, айримларнинг ўзидан ҳам са-дақасидан ҳазар қылгандек афтини буриштириб, бир нималар дегандек ғўлдириб нари кетарди. Гоҳида жини суйган сотувчининг рўпарасига бориб ҳайкалдай қотиб тураверар, дўкондорлар-нинг тушунганилари бирор емиш бериб жўнати-шар, айрим худо бехабарлари эса унга бор, нари кет, маъносида қуш ҳайдаш қилишарди. Алҳол, бу хил дўкондорлар ўша куни бирор ноомадга гирифтор бўлиб, бора-бора улар ҳам тушуниб қолишган эди. Яқдаста¹ қаландарнинг довруғи кундан-кунга ошиб, унинг дуосини олишга муштоқ ихлосмандлар ҳам кўпайиб борарди. Иттифоқо, бир куни кеч намоздигарликда уни Тоқи Заргарон остида учратиб қолдим. Атрофда одам сийрак эди. Дуо олишга айни қулай пайт, деб ўйлаб, чўнтағимдаги бор пулни олиб, унга рўпара бўлдим. Қўлимдаги бир ҳовуч майда пулларни кўриб, асабий ғўлдиради у, кейин аф-тини буриштирганча шошилиб нари кетди. Қўлим муаллақ чўзилганча ссррайиб қолдим.

¹ Яқдаста — бир қўлли.

Дилим сипсиё бўлди. Наинки, шу иссиқда, оловнинг дамида туриб ишлаган пулимга ҳаром аралашган бўлса? Ё Оллоҳ, ўзинг кечир, бу осий бандангни, дея пичирларканман, кўзларимдан шаварлаб ён оқиб кетди? Анчагача ич-ичимдан эзилиб юрдим. Ҳа демай, орадан уч-тўрт кунча ўтиб кетса-да, Яқдаста қаландарнинг нағозшомликлаги ўша важоҳати сира кўз олдимдан кетмас эди. Ҳафтанинг охирида Дарвоза Саллохонадаги дўконимдан Лабиҳовуз орқали уйга қайтаётиб, йўл-йўлакай сув ичмоқчи бўлдим. Ҳаво иссиқ бўлгани учун одам ниҳоятда кўп эди. Навбатда турдим, бир пайт ён томонимдан кимдир тиқилиб кела бошлади. Ўгрилиб қарасам, ўша Яқдаста қаландар. Юрагим шув этиб кетли. Салом бериб, марҳамат, дегандек ишора қиларканман, шу аснода сотувчи йигит сувли истаконни узатиб қолди, шошилганимдан истаконни олиб, унга тутдим. У бошини сезилар-сезилмас ликкилатиб, ташаккур билдирган бўлди, сўнгра қўлимдан истаконни олди-ю, сувни симириб ичди-да, изига бурилиб кетди. Елкамдан тоғ ағдарилғандай ўзимни анча енгил ҳис этдим. Тавба! Яқдаста қаландарнинг бу икки ҳолатдаги қилмишини қандай тушунса бўларкан? Шу масалада Мулло Ражаб Боқи бободан сўраган эдим, у киши ҳам қаландарнинг бехислат эмаслигини тасдиқлаб: «Сиздан садақа олмайди у киши, ахир ўзингиз жўжабирдай жон бўлсангиз, ёшингиз ҳам анча улуғ, мўйсафел ҳолингизда яна оғир меҳнат қилсангиз, Сиздан қандоқ қилиб садақа олсиз, қўлингиздан сув олиб ичгани, Сиз учун кўрсатилган энг катта марҳамат эмасми?» деган эдилар.

* * *

Бир куни гузаримиз вакили раҳматлик Мирзо Дўлоб ҳовлиқиб кириб келди. «Биласизми, устожон, бугун ман антиқа бир мўъжизанинг гувоҳи бўллим. Кеч соат учларда уйқум қочиб ташқари чиқсан, индигина саҳар кўкариб келаётган экан, ташқарида ҳазрат Нақшбандхоннинг дарвозалари «ғийқ» этиб очилгандай бўлди. Тинчликмикан, дея ўз дарвозамизнинг ёриғидан мўралаб қарасам, ҳазратнинг хужраларидан бир киши чиқиб келопти. Ҳайрон қолдим, ўлай агар-а! Чилтанларнинг борлигига инди чиппа-чин ишондим. Ким экан у, деб сўрамайсиз ҳам?.. Биласизми, бу киши анови Якдаста қаландар эди...»

* * *

Шу орада гузаримиздаги Мулло Зокир яна бир янгиликни топиб келди-ю. Мирзо Дўлобнинг юқоридаги гапига манам чиппа-чин ишондим. Унга Ҳазрати Имомда қоровуллик қиласидан Қурбонбой деган киши бир янгиликни айтибди. Гўё унинг қасам ичиб айтишича, рамазон ойининг йигирма еттиси — Лайлутул-қадр кечасида Ҳазрат Нақшбандхон билан ўша Якдаста қаландар ташландиқ хонақоҳга кириб, устларидан бекитиб олиб, анчагача гангур-гунгур зикр тушиб, суҳбатлашиб тонг оттирибдилар. Мулла Зокирдан, «Ахир Якдаста қаландарнинг тили бўлмаса?» деган эдим, у: «Улар тил билан эмас, дил билан «суҳбатлашадилар» деган эди...

* * *

Икки кунлик Нур Ато зиёратидан қайтиб келаётсан «Чорбаққоллик»да Мирзо Дўлобга дуч

келиб қоллим. «Усто бобожон, зиёратлар қабул! — дея ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳовлиқиб сўзида давом этди. — Кеча жанозадан қолдингизда. Бир зўёр жаноза бўлдик, асти сўраманг, гёё ер ёрилиб одам чиққандай бўлди... бай-бай, ҳар бандайи мўминга ҳам шундай жанозани насиб этсин... худо раҳмат қилгур ҳазрат Яқдастаниям хокка топшурдик... афсуски, бўлмадингизда... инди, ана бу гапга қарангү утурунг, бундан бир кун олдин у киши ўз яқинларига, эрта биз ўламиз, дея имо-ишора қилиб, ўз жанозасига ҳабар қилган эмиш... кейин ҳаммомга кириб ювениб, тозаланиб чиқибди... ҳаммомчи ака Аббос, ўзим хизматларини қилдим, дейди. Эрталаб бошиб қарасалар. худо раҳмат қилгур оппоқ кийимдаги Яқдаста ойдай балқиб, бандаликни бажо келтириб ётган эканлар...» дея кўз ёшлирини артди, гузар вакил.

Ўшандан ўшоқ уйга ҳам кирмасдан тўғри Ҳазрат Имомга ўтиб, дуойи фотиҳа қилдик: «...шу фариб бандангни ҳам ўз раҳматингга олгайсан... овмин, Оллоҳу акбар!» дея кафтлар билан фотиҳани муҳрлаган бўлдик...

* * *

— Эртага Пешкўга Усто Амрилоникига арвойи пирга бораркансиз. Арвойи пир, нима дегани, бобо?

— Билмайсанми ҳали, Бобиршо? Билмасанг, вақтида эшитиб ол, сан билмасанг, бир куни сани бачаларинг ҳам билмай қолиши мумкин. Ҳар бир касб-хунарнинг ўз пири бўлган. Масалан, дурадгорларнинг пири — Ҳазрат Нўҳ алай-

ҳиссалом, темирчи ва мусиқачиларнинг пири — Ҳазрат Довуд, этикдўзларнинг пири — Бобойи порадўз, кулолларнинг пири — **Мири** кулол бўлганлар, тушундингми? Ҳа, баракалло. Энди, арвойи пир, дегани, бу пирларнинг арвоҳларини хурсанд қиласиган хатмга ўхшаш, бир тантанали маросим. Шу куни узоқ йиллар катта устонинг ёнида туриб, ҳунарни ишидан игнасигача мукаммал ўрганган кишига оқ фотиҳа берилиб, унинг бели боғланади. Бу маросимда жонзот сўйилиб, зиёфат берилади, унга қирқтacha обрўли, довруғли устолар қатнашиб, устоликни эгаллаган шогирдни синовдан ўтказдилар. Касб-корга, динга, инсоф-диёнатга оид турли хилдаги саволлар берилади. Усто ўз шогирдига ўша ҳунарга тегишли бир сира янги аспоб-ускунани тортиқ қиласи, темирчи бўлса темирчилик, дурадгор бўлса дурадгорлик, хуллас, қайси касбни эгаллаган бўлса, ўша касбга оид рисолани ҳам кўпчилик олдида расм-русуми билан ўз шогирдига ҳадя этади. Шундан кейин туман ёки музофотдаги ёши энг улуғ, мўйсафед усто бошлиқ устозодалар аввал шогирднинг устозига сарупо кийдирадилар, кейин устоликни эгаллаган шогирдга алоҳида тўн кийдирилиб, унинг белини боғлайдилар. Куръон оятлари ўқилиб, пирларнинг арвоҳига, марҳум ота-оналар ва устою устозодалар арвоҳига бағишланади. Энг охирда устози ўз шогирдига дуо беради. Ана шундан кейин ўша шогирд «усто» деган ном олади. Йигилганлар навбат билан янги устони муборакбод этадилар. Ман санта айтсан, арвойи пир қилиб, устосидан фотиҳа олиб, бели боғланмаган кишининг обрўси ҳам, мартабаси

ҳам, колаверса, рўзгорида баракаси ҳам бўлмайди... шунинг учун ҳам ҳалқ «Усто кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар», деган мақолни бежиз айтмаган-да...

Энди ман санга айтсам, Бобиршо. Биз темирчиларнинг пиrimiz Ҳазрат Довуд алайҳиссалом бўлганлар. У киши ўз қавмларига пайғамбарлик билан бирга ҳукмдорлик ҳам қилганлар. Худонинг қудратидан у киши қўлларига бир темирни олишлари билан, ўша темир ҳонучларида бамисоли хамирдай юмшаб, хаёлларига келган бир шаклга киаркан. Шундай қилиб, Довуд пайғамбар темирдан турли хилдаги иш қуролларни ясаб, деҳқону чорвадор ва бошқа касб эгаларига сотиб, ҳукмдор бўлишларига қарамасдан ҳалол меҳнат эвазига рўзғор тебратарканлар. Жаноби Ҳақ ул ҳазратнинг қавмларига иршод этмоғи учун Забур номли бир муқаддас китоб юборган. Бу — тўрт муқаддас китобнинг биттаси бўлиб, Рамазон ойида нозил бўлган экан. Ҳазрат Довуд уни қироат қилганида овозлари шундаям ёқимли ва шикаста эканки, барча тоғу тошлар, дарёлар, паррандаю қушлар, қўйингки, бутун борлиқ Оллоҳнинг номи билан тасбиҳ айтишга киришаркан. Шунинг учун мусиқачилар ҳам Ҳазрат Довуднинг чиройли, гўзал сасларига бўла ўзларининг пирлари леб билганлар...

* * *

Уруш йиллари районимизда Искандар Камол деганрайижрокўм раиси бўларди. Керак

бўлса-бўлмаса, ҳар ҳафта бир марта отини ҳавасакка нағаллатарди. Ўзиям нақ тўққиз пудча келарди, оғирлигидан ҳар ойда бир от алмашарди. Мажлисларда раисларга: «Ўв, Рафиқ Пўлот, биласанми, ман кимман? Мани Искандар Камол дейдилар. Бу қорин паҳтанинг сувидан катта бўлган, истасам, уйингни куйдираман, тайини шудгор қилдираман, ўрнига шалғам экаман!» дея дағдаға қиларкан. Тавба, унинг бу хил сўзларини райқўмнинг иккинчи котиби — Плуг деган ўрус ҳам ўрганиб олиб, «Маники уй куйдиради, тайини карчёфка қилдиради, жайига шалғам икади!» дерди. Ҳалиям ёдимда, Хайрободнинг бўйидаги Чориқулбой қурган қулубда кўп кишилик мажлис бўлувди. Искандар Камолни ишдан олганида Усмон Юсупов бесўнақай қорнига тутиб, «Манави ичи бўш ёғли қозонни нега кўтариб юрибсан?» дея асқия қилганда ҳамма кулиб юборган эди.

* * *

Гавраил Муллоқандов деган хушавоз ҳофиз бор эди. Ўзиям ҳофизмисан ҳофиз эди. Амирнинг рикоби ҳофизи Довудгача авлод бўларкан. Бир куни пўстакчи дўстим Туроб Ҳусан билан шуни олиб келиб базм қилдик. Ўзимиз учун «Хонақон», «Ё, ҳаёттанныби» ашулаларини айттиридик. Бай-бай, юракларимиз сел бўлиб турганда, қаёқдан ҳам эшикда фўрмали Мурод милиса кўриниб қолса бўладими! Бечора Гавраил шартта даромадни буриб юборди:

Яшасин шўро ҳукумат,
Электринг бойлади-ей,
Сталинига минг раҳмат,
Риштани барбод айлади-ей...

* * *

- Кароматов ука!
- Лаббай, тақсир?
- Дилдор, Умид, Баҳодир сизга набера бўлса, манга абера бўлади. Ҳожисиз, қани омин, денг, шулардан сиз абера, ман чабера қўрайлик, у ёғини кейин ўйлаб қўрамиз.

* * *

Ҳазрати Сулаймон барча қурт-қумурсқа, қушва жониворларнинг тилини биларканлар. Бир куни у киши хотинлари билан супада ўтирасалар, иккита чумчук парт-парт учиб, бир-бири билан уруш бошлайди. Кулоқ солибдилар, нар чумчук «Юр, уйга кир», деса, макиёни «Бормайман уйингга, анови пати юлуғинг борсин», дермиш. Эркак чумчук: «Юр уйга деяпман!» деб дағдаға қилибди. Макиён чумчук эса: «Агар яна шундай урсанг, ҳазрати Сулаймонга айтаман», дебди. Эркак чумчук: «Эҳ-э, Сулаймонинг ким бўлибди? Агар истасам, уни бир уриб дарёга гарқ қиласман!» дебди. Ҳазрати Сулаймон кулиб юборибдилар. Бундан хотинларининг жаҳли чиқиб, «Ҳа, нимага куласиз», деб сўрабди. Ҳазрати Сулаймон эр-хотин чумчуқлар орасидаги ҳангомани айтиб берибдилар. Хотинлари «Эркак чумчуқни чақириб терганг», дебди. Ҳазрати Сулаймон чумчуқни чақириб: «Нега мени бир уриб дарёга ағдариб юбораман, дединг?» деб сўраб-

дилар. Нар чумчук: «Э, тақсири олам, агар шундай демасам, бу жуфти ҳалолим мендан күркмайды-да», деб жавоб берибди. Охир-оқибат йиллар ўтибди, кунлар ўтибди. Оллоҳ таолонинг қудрати билан ўша нар чумчук сабаб ҳазрати Сулаймон дарёга ғарқ бўлган эканлар. Э, бунинг ҳикояси узун...

* * *

Танноз хотинга эрк берсангиз, сиздан минона ясаб, бошингизга лайлак бўлиб ин қуради.

* * *

-- Устозим усто Хайрулло бобони билсанг кераг-а. Неъмат?

-- Билардим.

-- Раҳматли гардани узун, чўққисоқол, чаънир одам эди. Ўзи Чоржўйдан, қувғунга учраб Пешкӯда турғун бўлиб қолган туркманлардан. Жаҳти тез, иккита хотини бор. Дастирхонидан қора майиз, ёнғофу асал аримасди. Энди, ўзинг ўйла, ўша Сталин замонасида иккита хотин олиб бўлармиди? Олганда ҳам боқиб бўлмасди. Ётган жойи жаннатда бўлсин, ундан кўп нарсани ўрганганман. Файрати уч-тўрт йигитча бор эди. Биринчи марта от нағаллаганимда михни андак қийшиқроқ урган эканман, қўлидаги учли чўкич билан қўлимга бир туширган эди, икки ҳафтача ишлай олмай, шўрпахта босиб юрганман. Бутун Зандани, Пешкӯ, Вобкент бозорларини ўроқ, кашкорд, капкир, мўртгардон, кетмон, теша, пойтеша билан таъминлаб, от-эшакларни нағаллардик... Бир куни дўконда ишлаб

ўтирсак. Турди Қора деган киши кириб келди. У беш-олти марта иш қилдириб кетса-да, сира ҳақини тұламас, тұлашни хаёлига келтирмас зди. Бу сафар битта теша олиб келибди. «Усто бобо, шу тешани тезгина пешлаб берсангиз», деди. Усто Хайрулло бобо: «Хозир вақтим, йүқ эдикү», дея баҳона қылған бўлди. Турди Қора күнмади, усто мажбур бўлиб тешани пешладилар. Мен чарх тортиб турдим, тезлаб унга бердилар. Уям тешани индамай хуржунга солиб эшикка йўналди. Шунда усто Хайрулло бобо: «Ўртоқ Қараев, тешани бу ёққа олинг, жиндай иши қолибди», дедилар. Турди Қора тешани берди, усто уни олиб ўтхонага қўйдилар. Бир оздан сўнг омбир билан ушлаб икки-уч ерига болға уриб, «Қани, ўртоқ Қараев, очинг хуржунингизни», дедилар. У гилам хуржунини очган зди, тешани унга ташлаб, «хўш, хайр», дедилар. Турди Қора хурсанд бўлиб хуржунини олганча эшикдан чиқиб кетди. Унинг қораси ўчгач, усто Хайрулло манга буюрдилар: «Анав текинхўрнинг дешаси душиб қалди, югур, алиб гал». Дарҳақиқат, останадан ўтаверишда унинг тешаси тўнтарилиб ётарди. Ҳали совиб улгурмаган. Омбир билан зўрға олиб келиб, устозга бердим...

Текин теша хуржун тешар.

* * *

Устолик ҳам шоирликдай гап: бирорлар фаяқат нон учун ишлайди, бирорлар шуҳрату шон учун. Элнинг хизматини ҳалол бажарсангиз, тер тўкиб меҳнат қилсангиз, нонингиз ҳам бутун

бўлади, обрўингиз ҳам ўз-ўзидан ошаверади. Факат ном таратишга ҳирс қўйсангиз, итни ахта қилган устага ўхшаб қоласиз. Ахтачи уста ҳақидағи ҳикоятни эшитганмисан? Бўлмаса, эшиш. Бир довруқталаб, яъни шуҳратпаст киши бор экан. Шу бир танга ҳақ олиб, кучукларни ахта қиласкан, сўнг ўша тангага совун олиб қўлини юваркан. Хотини бундан озурдахотир бўлиб: «Дадаси, бу ишингиздан рўзгорга нима фойда?» деб сўраса, «Фойдаси билан ишинг бўлмасин, одамлар мани усто, сани усто хотин десалар бўлгани», дермиш.

* * *

Зинҳор бу мани шогирдим, ўзим қўлини ром қилганман, дея ёшларни улуғларга таништирма, уларнинг ўzlари сани устозим, деб улуғласинлар.

* * *

Жиянларимдан бири уч яшар ўғилчасини белига миндириб олиб уй ўртасида эмаклаб юрар, бола қийқириб: «Ишша-иша... хих!» дер эди. Бу ҳолни кузатиб турган отам мийиқларида кулиб:

— Ўғлингга эшак минишни ўргатяпсанми?
— дедилар унга, — «Ишша... хих!» ни ўргатгунча «Чух» дейишни ўргат, шунда ўзинг ҳам от ўрнига эшак бўлмайсан, ўғлинг ҳам ҳақиқий чавандоз бўлиб етишади.

* * *

«Саноат» күлхүэизде «Гаранттар» деган түпор бўларди. Янги уйланган бир гарант йигит омочсохтиғ билан хўқизларни олдига солиб, саҳарликда ер ҳайдашга чиқади. Пайкал бошига етиб келгунча гонг кўкариб қолади. Ер ҳайдайман деса поза¹ йўқ, ҳовлига қайтиб айвон остини, оғилхонани қидиради. Ҳеч қаердан топа олмайди, мажбур бўлиб отасини уйғотибди:

— Ҳа, тинчликми? — сўрабди отаси.

— Тинчлик, поза қаерда, топа олмаяпман?

Отаси ётган ерида:

— Яхшироқ қара-да ўша қўйган ерингни, поза менинг қўлтиғимдами? — дебди.

Гарант ўғли беихтиёр қўлтиғини пайласлабди-ю «топдим» дея қичқириб юборибди.

* * *

Юнусободдаги қўшнинг мулло Шокир эсингдадир, зап ғалати қария эди-да. Бирда ўз қўли билан шилпилдоқ пишириб, мани зиёфат қилувди раҳматли. Берган тузига рози бўлган бўлсин. Улмасидан сал аввал пастдаги дўконда сут очиратида кўриб қолувдим. Кулибина бир воқеани айтиб берувди.

— Э усто оғайнини, қариликда сут ичиб турмаса бўлмас экан, — деган эди у. — Инқилобдан олдин, то куни кечагача ҳам бу ерлар олмазор, узумзор эди. Сал нарироқда бизнинг чорбогимиз бўларди. Мол-ҳол, мева-чева дегандек. Сутқатиқ ҳам сероб эди. Челак-челак сутни ачитиб ариққа оқизардик. Ўшаларни уволи тутди биз-

¹ Поза — омочга кийдириладиган чуян тиш.

ни. Бола эдим, ҳар куни Янги шаҳарга сут-қатиқ, сариёғ, қурт, сузма обориб сотардим. Ўшанда «Худоё худовандо, ўрислар кўпайсин, суту қатифимизни сотиб олади», дея дуо қилганларим эсимда. Буни қарангки, инсон боласининг сид-қидилдан қилган дуоси ижобат бўларкан. Ҳадемай айтганларим ҳам кўпайди. Шаҳарда мол боқиши қатағон бўлди. Ҳовлилар ўрнига «дом»лар тикланди. Сут-қатиқни ҳам дўкондан оладиган бўлдик. Бир қошиқ сутга интиқ бўлиб эрталабдан навбатга турамиз. Ҳай, шунисига ҳам шукр...

Шу гапдан уч кун ўтгач, мулло Шокир қазо қилибдилар, деган хабар келди. Жанозага бордим. Ўғлининг айтишича, эрталаб ўзимизнинг дўконга сут келмагани учун катта йўлнинг нарёғидаги дўконга ўтган эканлар. Мошина уриб кетибди.

— Мошина босмас эди-ю, қулоғи оғир эдида. Ўлган жойида ҳам суту қон аралашиб, ҳалқоб бўлиб ётганмиш. «Эсиз одамизод», — деди мачитнинг сўфиси афсус чекиб.

* * *

Ваҳобча бобони билардингми, Неъмат. Жуда ғалати одам эди-да, раҳматли. Ўзи чўпдай ориқ, бир кўзи кўр-пучак бўлсаям, юраги отнинг калласидай эди. Дарвоза Саллохонадаги жуҳудларнинг мозорида қоровуллик қиласиди. Ҳеч балодан қўрқмас эди. Шу бир ривоят айтувди, ҳозир ёдимга тушиб кетди.

Билмадим қачон, қайси бир амир даврида ринча — порахўрлик авж олиб кетади. Амир

барча аркони давлатини чақириб, Бухорда ҳаром луқма ейдиган кишиларни топиб, бу ерга олиб келинглар, деб уларга ўн кун муҳлат берибди. Айтилган муддатга яна уларни ўз хузурига чақирибди. Вазиру вузаролар ер ўпиб, тақсири олам Сизнинг сояи давлатингизда барча фуқаролар ҳалол еб, ҳалол ичиб юрибдилар, бирорта ҳам пора оладиган, ҳаром кишини учратмадик, дебдилар. Амир уларнинг тилёғламаликларидан дарғазаб бўлиб, «Зиндон!» дея қичқирибди. Мирғазаблар туртиб-суртиб уларни олиб чиқаверибдилар. Навбат бош вазирга келганда, олампаноҳ, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бор гапни айтаман, дебди. Амир «Гапир» дея энгак қоқибди. Бош вазир амирнинг ниятини тушуниб:

— Тақсири олам, Бухоройи шарифда емайдиган, пора олмайдиганлар бисёр экан. Мана бу ёқда мозори Фарибон, юқори томонда Ҳазрати И мом, қибла томонда мозори Кабирон, қуйи томонда мозори жуҳутондагилар, қолаверса, Сиз билан камина емаймиз ҳам, олмаймиз ҳам, қолганларнинг гуноҳи-савоби ўзига, — дебди ер ўпиб.

Амир:

— Бухорои шарифда тириклар орасида ҳаром емайдиган ва олмайдиган бир киши кифоя, — деб бош вазирни ҳам зиндонга ташлатибди.

Ана шундан кейин бу шаҳарда ришвахўрлик бир оз камайган экан.

Подшо пақир бўлса,
Ўғрилар ботир бўлар.

Бир куни эрталаб Кўкча мағжидига бормоқчи бўлиб «Саккизинчи» трамвойга тушдим. Одам тиқилинч. Ён томондан «Отахон, мана бу ерга ўтириңг» деган заифона овоз эшитдим. Қарасам, бошига оқ сарандоз соглан бир аял. Салом бериб, ўрнини бўшатди. Ўтиридим. Кетаяпмиз. Бир оздан сўнг одам сийраклашди. «Сизни танима-ёпман, қизим», дедим. У кулиб: «Ёпман дейи-шингиздан бухороликка ўхшайсиз, отахон» деди. «Ҳа, Бухоройи шарифданман», дедим. У елкамга кафт учини тегизиб, тавоф қилган бўлди. Анча жойгача суҳбатлашиб бордик. Беш вақт намоз ўқиркан, ёш қизларни эскичага ўқитаркан. Бир жойга етгач, «Ҳали пешин намозига эрта, бизни уйга тушиб, бир пиёла чой ичасиз», дея қисталанг қилиб қолди. «Йўқ» ҳам деб кўрдим, қўймади, ҳовлисига олиб келди. «Сиз билан отабола бўламиз», деди. Очиги, унинг эътиқодига қойил қолдим. Лекин у кимлигини, нима иш қилишини айтмади. Мен ҳам қайтиб сўрамадим. Уйга кирдик. Деванга ўтиридим. Деворга қоқилган қолингилам устига бир дутор осиғлиқ. «Будуторни ким чолади, қизим?» деб сўрадим. «Гоҳида чертиб турардим» деди. Ҳеч нима демай юзимни четга бурдим. Бир пайт ўзи гап очиб қолди. «Отахон, икки-уч марта сўрадингиз, айтмадим. Лекин сиз мени аввал кўп кўрган, дутор чалганимни ҳам эшитгансиз. Яхшироқ қаранг» деди. Шунда лоп этиб эсимга тушди. «Эсладим, сизни телевизорда кўрганман», дедим. «Тоидингиз, мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Аъзамова бўламан», деди.

Ўша куни у дутор чолмади. Аксинча, токчадан Қуръони каримни олиб, бирам қироат қилдики, қўнғироқдек товуши ҳозир ҳам қулоғимда жаранглаб турибди. Кетишим олдидан оқ рўмолга бир нималар тугиб бераркан, «Отахон, дуо қилинг, Оллоҳ тавба-тазарруларимизни ўз даргоҳида қабул қилсин», деди.

Орадан бир-икки йил вақт ўтгач, эшитсам, Мавлудаҳон ҳам қазо қилибди. Ҳозир уни дуода эслаб тураман. Худо ўзи кечиргувчи, раҳмат қилган бўлсин...

* * *

- Ҳа, Лайлош, яна хонадор бўлдингми?
- Бу охиргиси, усто бобожон. Бошқа уйланмайман.
- Олганинг кимни қизи экан?
- Танимайсиз, отаси нарӯдни контролда ишлаган, ўзи магазинчи, кўзи тўқ хотин.
- Аввалги эри ўлган эканми?
- Йўқ, эрининг характеристири ёмон экан, ўтган или ажратибдилар.
- Ҳимм, сани характерингни яхши, дейдими? Ҳа майли, оқибати кор баҳайр бўлсин. Лекин, хафа бўлмасанг, бир гап айтаман. Ҳали ёшсан. Бошқачароқ йўл тутсанг бўлармиди. Биронни хотини биронга хотинлик қилмайди. Яна бу ёлғончи дунёда эрсизга эрмак бўлиб қолма, дейман-да, Лайлош...

* * *

Бизларнинг тўпорлик Қобилбек деган бойвачча қадим замонда Гадойлар қишлоғидан бир

қизни яхши кўриб қолади. Қиз ўн беш ёшда, жуда черайлик экан. Қобилбек отасининг норозилигига қарамасдан ўша қизга совчи қўяди. Тўйтомуша қиладилар. Гадойнинг қизи эски чордевордан дабдабали, ясатилган уйга бойвучча келин бўлиб тушади. Уй қўша-қўша гиламлар, баҳмал, адрес кўрпалар, парқу ёстиқлар билан безатилган экан. Бир кун Қобилбек ишдан қайтса эшиги ёпиқ эмиш. Ҳайрон бўлиб, эшикка яқин келиб қулоқ солибди. Ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилармиш. Эшикнинг тирқишидан секин мўралабди. Қараса, хотинининг елкасига эски, гулдор бир тўрва осилган, қўлида узун бир гаврон эмиш. Қобилбек баттар ҳайрон бўлибди. Бир пайт хотин уйнинг у бурчагидан бу бурчагига бориб, тилла билакузукли, хинадан қизарған кафтчаларини чўзиб, «Ҳайр қилинг! Барака топкур, худо йўлига ҳайр қилинг, садақа — радди бало», дермиш йиғламсираб.

Қобилбек шартта эшикни очибди-ю:

— Бу нима қилиқ? — дебди жаҳл билан.

Келинчак чўчиб, қўлидаги гаврону елкасидаги тўрвани бир четга улоқтириб:

— Шундай, ўзим... «гадой-гадой» ўйнаётган эдим. Сиз йўқ, зерикib кетдим, — дебди.

Ана шунаقا, қуш уясида кўрганини қилади, деганлари шу бўлса керак.

* * *

Айтишларича, манғит ҳукмдорлари орасида амир Аҳадхон анча одил ва тадбиркор бўлган экан. Ўшанинг замонасида ўзимизнинг Шоҳи-

ахси гузарининг Калғайлар тўпорида бир кампир яшаркан. Бола-чақалари ёшлиқда ўлиб кетган экан. Бисотида битта эчкиси бор экан. Эчки бир корсон сут бераркан, кампир шу билан тирикчилик қиларкан. Бир куни унинг эчкисини ўғирлаб кетибдилар. Кампир гузар вакилига айтибди — эшитмабди. Оқсоқолга айтибди, миршабга боринг, дебди. Миршабга, ундан раисга билдирибди. Эчкининг дараги топилмабди. Энг охирида кампир ҳассо таяниб, мункиллабгина аркка қараб йўл олибди. Аркони давлат у деса, бу дебди, хуллас, қайсар кампирни амир Аҳадхоннинг ҳузурига олиб киришга мажбур бўлибдилар. Амир ундан арзини сўрабди: «Нима гап, эна?» «Бисотимда биттагина эчким бор эди, шуни ўтган кеча ўғирлаб кетдилар...» Амир бир-пас ўйлаб туриб: «Э, энам-а, энам, ухлаб қолибсизда-а?» дея мийифида кулибди. Кампир амирга нурсиз кўзларини қадаб: «Тўғри, ман ухлаб қолганим рост, лекин сиз — мамлакат подшоси уйғоқ, деб ўйлаган эдим. Агар Сиз ҳам ухлаганингизни билганимда зинҳор ухламас эдим» дебди. Аҳадхон бу гапдан қаттиқ таъсиrlанибди. Ўша заҳоти бутун аркони давлатни чақириб, эчкини топишга уч кун муҳдат берибди. Орадан икки кун ўтгач, эчки Ҳазора деган қишлоқдан топилибди. Лекин ўзини эмас, пўстагини топиб келиб кампирга кўрсатибдилар. У пўстакни таниб бағрига босибди. Амирнинг ҳукми билан ўгрини жазолаб, кампирга яхши бир ҳовли-жой, битта говмиш сигир берибдилар.

Бу ҳикояни эслашимдан мурод, сизлар Оллоҳга шукр қилинглар, ҳозирги президентларинг туну кун ухламасдан эл-юртнинг хотир-

жамлигини ўйлаяпти. Худобехабар кazzобларга қарши чиқарған қарори ҳам айни элнинг кўнглидаги иш бўлди.

* * *

Қадим замонда дарйонинг нарёғида битта она лайлак бор экан. Шу лайлак тўрттагина тұхум қўйибди. Кейин уларни иссиқ бағрига босиб ётган экан, ойу кун яқинлашиб, тўрттагина жўжа очиб чиқибди. Иккитаси қиз экан, иккитагинаси ўғил. Хўп, ана санингча бўла қолсин. Иккитаси — мокиён, иккитаси — хўroz. Хуллас, вақтеки етиб, кунлар исиб кетгач, болаларини дарйонинг бу қирғоғига олиб ўтмоқчи бўлибди. Кейин улар билан савол-жавоб қилибди. Биринчи қизини чақириб сўрабди: «Айтчи, сани дарйодан ўтказиб қўйсам, эрта катта бўлсанг нима қиласан?» «Катта бўлсам, Сизни жонимдан яхши кўраман, қарисангиз ҳар куни чўмилтираман, касал бўлсангиз боқаман» дебди. Она лайлак, «Бир мавсум шошмай тур» дебди. Кейин биринчи ўғлидан сўрабди. «Катта бўлсам, Сизни жонимдан ҳам яхши кўраман, нима десангиз айтганингизни қиласан» дебди. «Сан ҳам бир мавсум шошмай турасан» дебди. Навбат иккинчи қизига келади. «Худо хоҳласа катта бўлсам, аввал муносиброги топилса, турмушга чиқаман. Вақтини топсам бола-чақам, эрим билан келиб Сиздан хабар олиб тураман» дебди. Она лайлак уни елкасига миндириб дарйодан буёқча олиб учади. Қайтиб бориб кенжа ўғлидан сўрайди. Уғли: «Катта бўлсам, насиб бўлса, хотин оламан, бола-чақа қиласан, ака-

опаларимдан хабар олиб тураман, ҳаммамиз биргалашиб Сизнинг хизматингизда бўламиз» дебди. Бу ўғлининг гапи унга жуда маъқул келиб, уни ҳам дарйодан олиб ўтибди...

Хўш, айт-чи, Бобиршо, нимага иккита лайлак боласи дарйонинг нарёғида қолиб кетди?.. Билмадинг. Эшит, чунки, аввалги бир ўғил ва бир қиз лайлакча ўз оналарининг раъига қараб, унга ёлғон сўзлаган эдилар... Тўғри айтдинг, яна улар «насиб бўлса», «худо хоҳласа» демаганлар... Энг асосийини айтайми? Энг асосийси, дарйонинг бу ёғига ўтказилган лайлакчалар аҳил бўлиш, ҳали балоғатга етмасданоқ турмуш куриб, зурёд қолдиришни ният қилган эдилар...

Энди ўзинг ўйла, манга отангни бир ўзи қарагани яхшими ёки сан, Нодир, Собир, Манзура, Муҳаммаджон... ҳаммаларинг биргалашиб қарашганларинг яхшими?.. Баракалло... Шунинг учун ҳам қадимгилар лайлакни хосиятли, акдли қуш дейишган-да, чирофим.

* * *

Мен сизларга бир гап айтай. Шайтоннинг гапига кириб ҳе...еч худога шак келтирманглар. Шак келтирганлар, Шариф Нурхон раҳматли, айтмоқчи, атаистларнинг анчасини кўрдик. Инқилобдан кейин энг кўп жавр кўрган қавм муллолар бўлди. У бадбаҳтларнинг қолган-қутган тириклари Бухорони тарқ этишди. Кўплари қочиб бошиқа юртларда жон сақладилар. Айримлари соқолларини қириб, номларидан «Хўжа», «Сайд», «Мулло», «Худо» сўзларини ўчириб, қишлоқлардан макон топишди. Калхўзда ишлай

десалар ҳаракат йўқ, оғир иш қилишмаган, ноилож кўнадўзлик, аравакашлик, хўкизбоқарлик қилишга мажбур бўлдилар.

Қирқ тўққизинчи йилда Наримон калхўзида Мулло Тойир деган бир улуғ зот бўларди, у ҳам юқоридаги муллолар тоифасидан эди. Фақат соқолларини қирмаган эдилар. Бир куни шу киши паҳта ерига тулаш йўлда калхўз хўкизларини ёйиб, китоб ўқиб ўтиради. Тўсатдан лўккавой¹-да райкўмни биринчи котиби Эгамназаров деган чорпаҳил киши раис билан келиб, мошинадан тушади. Салом йўқ, алик йўқ «Ҳа, бобой, нима қилиб ўтирибсан?» дейди сансирааб. «Ҳеч нима, хўкиз боқиб ўтирибман, ота» дейди Мулло Тойир. Ўшанда каттадан-кичик ҳамма раҳбарларни ота дейиши урф бўлган эди. «Ҳўкизларни паҳтада боққани уялмайсанми?» дейди дўқ уриб. «Худо шоҳид, паҳтада боққаним йўқ, ота!» «Бизда аниқ маълумот бор, паҳтани душманисан, ёт унсур» дея чолни бир туртади, муллонинг қўлидаги китоб учиб кетади. Бу ҳам етмагандек, Эгамназаров жаҳл билан китобни ҳам телиб юборади. «Ҳай-ҳай, китобни тепманг, тепсангиз, ана мани тепинг, ўртоқ Эгамназаров!» дея фарёд чекиб, унинг оёғи остига ўзини ташлайди. Муллонинг важоҳатидан Эгамназаров бир сескангандек бўлиб, хумкалласи қалтираб кетади. Сўнг ҳеч нима демасдан ўгирилиб машинасига аранг чиқиб олади-ю, раисни ҳам қолдириб жўнайди! Худонинг қудратидан, уйига қайтиб мошинасидан туша олмайди. Тўғри

¹ Лўккавой — Газ-67 машинаси.

Шеҳжалолдаги област касалхонасига олиб борадилар. Орадан уч кун ўтгач райкўмнинг лўккавойи Мулло Тойирни олиб кетибди деган овоза тарқалди. Кейинроқ эшитсақ, Мулло Тойирни Эгамназаров ёнига, касалхонага олиб борибдилар. Эгамназаров оппоқ чойшабга ўралганча лаби-даҳани қийшайиб, қоп-қора чуйкаб ётган экан. У кишини кўриши билан инқиллаб кароватдан муллонинг оёқлари остига думалаб тушибди-ю: «Тавба қилдим... тепинг мани, мулло бобо, тепинг!» дея гулдирабди. Мулло Тойир: «Туринг ўрнингиздан, отам, Сиз мани тепмовдингиз, худонинг каломини тепувдингиз, кечиримни мандан эмас, худодан сўранг» дейди. Лекин Эгамназаров ўрнидан тура олмайди... бир умрга...

* * *

Неъмат, қайнотанг усто Шомуроднинг Асрорхўжа деган жўрасини билармидинг? Ҳа, ўша букригина, сергап чолни. Қайнотанг раҳматли уни «туржи» дерди ҳазиллашиб. Жудо ғалати эди раҳматли. Ўша Саид Асрорхўжанинг яккаю ягона Достон деган етимча ўғли бўларди. Онаси болалигида ўлиб кетгани учун кўп эрка эди. Нима бўлганини яхши билсанг ҳам, такрор эшит, бошқалар ҳам эшитсин. Достоннинг таърифи отасининг оғзидан сира тушмасди: «Бугун Достонхўжа тарихдан беш олиб келдилар», «Достонхўжа Дарвонизм¹ деган домлаларидан ҳам яхши биларқанлар», «Достонхўжа одам маймун-

¹ Дарвинизм демоқчи.

дан пайдо бўлган дейдилар», «Кеча Достонхўжа уч юз кишига маърӯза қилибдилар», дея оғзидан бол томиб ўғлини мақтарди. Алқисса, Достонхўжа институтни битириб қишлоқ мактабига ишга келади. Айтишларича, жудо маҳмадоно экан. Тезда уни завуч қилиб қўядилар. Болалар тугул катталарга ҳам у: «Мани Достон Асрорович денглар» деб уқтиаркан. Тезда Достон Асроровичнинг довруги ярим туманга тараплади.

Якка ўғил эмасми, Сайд Асрорхўжа уни узоқ Қоракўл районидан бир қизга унаштириб қўяди. Достон билан бирга ўқиган экан. Олсам ҳам шуни оламан, олмасам ҳам шуни оламан, дебди. Эсимда, бир даврада отаси, «Достонхўжа шоир бўлдилар, уйқуларида ҳам шеър ўқиб чиқадилар» деб мақтаган эди. Бир куни тўйдан олдин Сайд Асрорхўжа чолларни тўплаб мавлуд ўқитди. Мани ҳам айтувди. Достон отасининг ялиниб-ёлворишларига аранг кўниб, даврага чой-пой олиб кириб турарди. Раҳматли қори Ҳикмат худою пайғамбардан амримаъруф қила бошладилар. Шунда пойгакда қовоғини солиб ўтирган Достон радиодагидай гапириб, «Мулло бобо!» — деди. «Лаббай, Достонжон» дедилар қори Ҳикмат. «Айтинг-чи, ўша таърифлаётган худонингиз эркакми, хотин?» Бенисанд бу саволдан ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Қори Ҳикмат: «Билмайман, Достонжон, кўрганим йўқ, Сизга кўрсатса қейин биласиз» деди синиқ овозда. Асрорхўжа хижолат чекиб: «Кечирасиз, мулло бобоси, энди Достонхўжа ҳали ёшларда» деди. Лекин ҳафта ўтмай худо Достон Асроровичга кўрсатди. Ўнг оёғининг бош бармоғи оғриди. Қаратмаган табибу дўхтир қолма-

ди. Жарроҳлар олти ой давомида оёғини бўғин-бўғинидан то сонигача кесдилар...

Асрорхўжа ўғлининг таъзиясида «Кўзи очиқ кетган Достоним, мани кимга ташлаб кетдинг, хўжам! Зуриётсиз қолдим-ку, балам!» дея паст овозда пик-пик йиғларди.

Чунки Достон фотиҳа қилинган қизига ҳам уйлана олмай кетган эди.

Орадан йил ўтмай Сайд Асрорхўжа ҳам якаю ягона ўғлининг доғида оламдан ўтди.

Кулоқларингда бўлсин, болаларим, кимга осилсанглар осилинглар-у, лекин яккаю ягона худога осилманглар.

* * *

Неъмат, бу Амон жўрангни кўриб турасанми¹?

Катта шаҳарда бир-бирларингдан боҳабар бўлиб юринглар. Ўзиям кам келадиган бўлди. Раҳматли отаси тирикларида тез-тез келиб турайди. Худо гўрларини пурнур қилгур Сулаймонхўжа аломат одам эдилар-да. Ҳар жумада у кишини йўқлаб турардим. Жудо чақчақи, кони ҳикмат эдилар.

Ўша кишининг ҳикоя қилишларича, қадимда шайх Мўмин деган бир зот ўтган эканлар. Очяланғоч, пою пиёда юриб Маккатуллони эллик марта ҳаж қилган эканлар. Яна бир куни ҳажга кетаётсалар йўлда тия минган бир кишини учратиб, «Қаён кетаяпсан?» деб сўрабдилар. У: «Ҳажга», дебди. «Онант борми?» деб сўрабди-

¹ Ёзувчи Омон Мұхтор кўзда тутилмоқда.

лар шайх. «Бор», деб жавоб қилибди у. Шайх айтибдилар: «Бориб тез онангдан хабар ол». Туяли кимсанинг андак қайсарлиги бор экан, у кишига аён бўлиб, такрор: «Бор онангдан хабар ол, шунинг савобини пою пиёда эллик бор қилган ҳажимнинг савобига алмашаман», дебдилар.

Туяли киши изига қайтиб келса, тўқсон ёшли онаси рамақижон бўлиб, яккаю ягона ўғлининг йўлига қўз тикиб ётган экан, жони ширинини Ҳаққа топширибди.

Шундай қилиб, туя минган ўша кимса шайх Мўминнинг шарофатлари билан эллик ҳажнинг савобига дохил бўлган экан.

* * *

Нақл қилишларича, қадим замонда эл орасида обрў-эътиборли бир бузрук шайх бўлган экан. У одамларни йўлдан оздирувчи шайтонни ўлдирмоқни ният қилибди. Алқисса, шайтонни яккама-якка жангда енгибди ва бўйнига пичоқ қўйибди. Шунда шайтон: «Эй, шайх! Мени ўлдиришдан сенга нима нафу, нима фойда? Агар мени озод қилсанг, ҳар саҳар ёстиғинг остига ўн дона тилло танга қўяман. Шу вақтгача тўйиб овқат емасдинг, яхши кийинмасдинг, бундан кейин бойиб, думоғинг чоғ яшайсан!» — дебди. Шайх ўйлаб кўрса шайтоннинг гапида жон бор. Дарҳол уни озод қилибди. Бир ҳафтача ҳар куни ёстиғининг тайидан ўн донадан тилло танга ола-верибди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб ёстиқ остидан тилло танга чиқмабди. Шайх қаттиқ ранжибди. Шайтон аввалгидан баттарроқ одамлар-

ни йўлдан ура бошлабди. Бундан шайх дарғазаб бўлиб, яна шайтон билан жанг қилиш мақсадида йўлга чиқибди. Яккама-якка олишув бошланибди. Негадир бу гал шайтон ғолиб келиб, шайхни осонгина йиқитиб, унинг бўйнига пи-чоқ қўйибди. Шайх унинг чангалида тилирчи-лаб ётаркан: «Менинг кучим заррача ўзгаргани йўқ-ку? Нега аввалги ҳафта сени енгдиму, бу дафъа мағлуб бўлдим?» — деб сўрабди. Шайтон: «Эй шайх! Аввалги дафъа сен бетама ният қилиб, жангга чиққан эдинг. Шу боис ғолиб бўлдинг. Бу дафъа эса тама юзасидан майдонга чиқдиш!» — дея, шайхнинг бошини танасидан жудо қилибди...

Ман сизга айтсам, Садриддин. Шу нозик замонада сиз ҳам, Неъмат акангиз ҳам тамадан узокроқ юринглар. Қай ишгаки бетама киришсангиз, албатта мурод ҳосил бўлади. Буни кўрингки бетама одам ҳатто шайтонни енга оларкан. Тама туфайли Оллоҳнинг суйган бандаси шайтоннинг қулига айланган экан...

* * *

Ман Сизга айтсам, пайғамбарлар ўз мўъжизалари билан, авлиёю валилар соҳиби кароматликлари билан, баҳодир ва паҳлавонлар имоишоралари билан эл орасида машҳур бўлгандар.

Акам раҳматлик Шукрулло маҳсум бир ҳикояни айтиб берган эдилар. Амирнинг рикоби полвонлари ҳақида. Шу ҳамон эсимда. Бу ҳикояни укитни амирнинг рикоби полвони, қоракўллик Аҳмад полвондан эшигтан эканлар. Аҳмад полвон шаҳарда турғун бўлиб қолган, қаровсиз бир

чол бўлиб, бизларнинг «Саноат» колхози саройида уруш йиллари саройбонлик қилган, жуда камгап бир қария экан. Амир Олимхон тахтга ўтирган йилнинг иккинчими ёки учинчи йилида Гули сурх (Наврӯз) байрами муносабати билан Ширбуддинда ўтказилган бир кураш мусобақаси ҳақида ҳикоя қилиб берган экан. Бу курашга бутун амирликка қарашли бу ёғи Чоржюю Фароб, бу ёғи Хатирчию Фозғон ато, нарёғи Душанба-Ҳисор ва яна бир томони Фузор ҳамда Бойсун тоғларига тулаш манзиллардан елкаси ер искамаган машҳур полвонлар таклиф этилган экан...

Катта ялангликда минглаб чодирлар тикилибди. Бир ёнда дорбозлар, яна бир ёнда қўғир-choқбозлар давра куришган. Бир томонда кўчкорлар калла ташлашади, иккинчи томонда бедана ва хўroz уриштириш... жарчиларнинг томоқлари қуруқшаб овозлари бўғилиб қолган.

Алқисса, наврӯз офтобрўясида тикилган амири сабза ранг чодирда рикоби полвонлар учун дошқозонларда ош тортилибди. Ҳамманинг оғзида эртага бўладиган қоракўллик Аҳмад полвон билан ғузорлик Панжи полвоннинг таъриф-тавсифи.

Ниҳоят, полвонлар олдига иккита чинни лагандада ош қўйилибди. Ош устида иккита илик қўйилган экан. Катта дабдаба билан чодирга Полвон бобо кириб келиб, «Али шеру худо» ворисларини узундан узоқ дуо қилгач, ҳарифларни ошга таклиф этибди. Биринчи бўлиб ғузорлик Панжи полвон лаганга қўл чўзиб, новвоснинг олдин ёғи болдири суюгини олиб, гўштини обдан тозалабди, сўнг иликни иккига

томонидан ушлаб осонгина «қарс» этиб синдирибди. Ҳамма шифтга тиralган омонат хари синдими, деб ўйлаб атрофга аланглаб олибди. Панжи полвон ош устига чаккилаб томаётган иликни ҳўплаб ковшаниб қўибди.

Эртасига катта майдонда кураш бўлибди. Буни қарангки, давра айланаётган ғузорлик Панжи полвонга Аҳмад полвон бетоб бўлиб қолгани сабабли унинг шогирди Қорёғди полвон рўбарў бўлибди. Дастреки ҳамлада Қорёғди полвон ҳарифининг елкасига чанг солиб, майда қавилган олача тўнидан лагандай жойини юлиб олибди... ҳоказо, бу гал ҳам Аҳмад полвоннинг елкаси ер искамай қолибди...

— Ман сизга айтсан, Махсум ука, ўша илик суюги «қарс» этиб синганда юрагим «шув» этиб кетган эди. «Шув» этган юрак билан даврага чиқиб бўлмасди-да! Марди-майдонларнинг рисоласида шундай деб ёзилган!.. Шу-шу давра айланмайдиган бўлдим дея тан олган экан Аҳмад полвон чуқур дами сар тортиб...

Отамнинг гапларини тасдиқлаган бўлдим.

Тўғри, бу ҳақда Садриддин Айний домла «Эсдаликлар» китобининг тўртинчи жилдида «Бухоро олифталари» деган бобида бундан гўзалроқ гапларни ёзганлар.

— Олиб кел-чи, ўша китобингни!

— Ҳўп, ҳозир...

* * *

Яна бирда ҳазоралик уста Худойберли лўконида ишлаб турса калласи атторнинг сандунидай келадиган, тавдаси тоғдай бир қозоқ су-

вори келиб отдан сакраб тушибди. Ҳе йўқ, бе йўқ уста шогирдига отни олиб бойлашни буюрибди.

— Тақалаб бер!— дея устанинг олдига писандсиз учта кумуш чақа ташлабди.

Уста Худойберди ҳам сенсираб турган қозоқнинг муомаласидан сал энсаси қотиб, шогирди билан отни тақалашга киришибди. Омбир ва болға билан отнинг оёғига урган михларни қайириб, эговлашни шогирдига топшириб ўрнидан турибди. Шунда диққат билан шогирднинг ишини кузатиб турган қозоқ чавандоз, шогирд болага отнинг оёғини қайта кўтаришни буюради ва тулпорнинг туёғига чанг солиб, қоқилган тақани осонгина суғуриб олиб, устанинг олдига ташларкан:

— Бу не?— дейди.

Уста Худойберди хижолат чекканча тақани қайта уриб, михларни қайириб, ялтиратиб эговлади-да ҳали мижоз писандсиз ташлаган чақаларни бош ва кўрсаткич бармоғида ишқалаб (шу ишқалашда муҳрни ҳам ўчириб юборган экан) қозоқ йигитга рўпара бўлади:

— Ҳой оғай, бу тенгаларингди мўри йўқфўй!

Қозоқ чавандоз тангаларни олиб синчиклаб қарайди, ялтираб турган тангага наҳотки муҳр уришни эсдан чиқаришган бўлишса, деб ўйланча ҳамёнидан муҳрли тангадан яна учтасини олиб бериб, қир сари от чоптириб кетади...

БЕМОРЛИК

— Э, қүй мани, күп азоб берма. Емайман...
Фазал ўқиб бўлинди. Қани, қулингни бер, тай-
логим... Бу дунёда энди қиласиган ишим қол-
мади. Бундай ўйлаб қарасам, отамдан күп яша-
дим, онамдан күп яшадим, акамдан күп яша-
дим, синглимдан күп яшадим, яккаю ягона
укам бориди, уям бултур оламдан ўтди... Бўлди-
да, энди, яна нима керак манга? Фақат дуо
қилинглар. Оллоҳ таоло имонимни басаломат
қилсин...

* * *

- Ҳа, тақсир, яхши ётибсизми?
- Шукр.
- Мани танидингизми?
- Нега танимас эканман, Сиз Салими қай-
моқда.
- Ҳа, маладес.

* * *

- Отажон, оғзингизни очинг, икки дона
узум енг.
- Емайман...
- Келинг, йўқ деманг энди.
- Онажоним, барражоним, эрка қизим, кўй
энди, мани кўп қийнама...
- Йўқ деманг, биттагина енг.
- Хўп... ана... уф... қалай, маладес бўлдимми
энди?

* * *

- Ҳа тақсир, яхши ётибсизми?
- Дептотми, Неъмат?
- Ҳа, ўзлари.
- Садриддин... ҳо, Садриддин¹!
- Лаббай тақсир?
- Агар мандан тез-тез хабар олиб турмасангиз, келгуси сайловда сизга овоз бермайман.
- Овоз бермасангиз ҳам дуо қилинг, тақсир.
- Илоҳо омин, сочим сари умр берсин, икки дунёда кам бўлманг.

* * *

- Бобожон!
- Жоним, жоним! Дилбаржон...
- Бир тилим қовун ейсизми?
- Ҳай... бўлди, онажоним, барака топ, икки дунёнг сероб бўлсин.
- Қолганини ҳам енг, бобожон.
- Бўлди, барражоним, худойим тақдир қилган бўлса қолганини жаннатда ерман.

* * *

- Усто бобо!
- Ҳа-а.
- Қани, «Лоилоҳа иллоллоҳ», денг-чи.
- Ҳўп. «Лоилоҳа иллоллоҳу Муҳаммадин расуллоҳ». Бўлдими?

¹ Садриддин Салим Бухорий — шоир, вилоят кенгашининг депутати.

— Баракалла.

— Ҳа жўра, мани қариган деб ўйлаёпсизми?
Худога шукр, ҳазор бор шукр, бақватман ҳали.

* * *

— Ўзингга шукр, парвардигор, берган ноз-
неъматларингга шукр, художон, берган умринг,
берган ҳар нафасинг, берган дардгиналаринг
учун шукр, художон... Неъмат... шу ердамисан,
қўзим, бизларни раҳматли Чориқулбой ҳам
қўзиларим, дерди. Қани, қўлингни бер, манга
қара. Ҳаммаси намоздан кейин тугайди... Дасть-
лаб Самад муаллимга хабар қўйинглар. Манга
алифбони ўргатган Жанозани ихтиёрини Каро-
матовга қўй. Амон келтирган ўзбекча Қуръонни
домодинг Аҳматга бер, ўқисин... Қоқиштувон-
дан усто Нурбойни айттиринглар...

— Ахир, у киши...

— Э, э... гапимга қулоқ сол, ўзи ўлган бўлса,
ўғли, ака-укалари бор... Шофирконга, усто Куд-
ратга тилпон қилинглар... Теша бобога мошин
юборинглар... Мандан ҳеч қўрқма... фақат омо-
натни соғ-омон Ҳаққа топшира олсан бўлди...
Тана, ана шу тана қолади... Ҳеч нарсадан
қўрқма... лаҳатга жасадимни ўзинг қўй, тайло-
ғим...

* * *

Ё қудратингдан, ҳаммаёқ сувми?.. Майсазор-
ни кўропсанми?..

Ҳай дариф... ака... ака... акажо... он...

СҮНГТИ ДУО

«Ҳалол меҳнат, беминнат тоат-ибодатдан кейин ҳар гал дуога қўл очганимда аввал юрагим сариёғдай эрирди, сўнг бутун вужудимга ҳарорат таралиб, кўзларимдан шавар-шавар ёш қўйиларди... Умр бўйи Яратгандан нимаики илтижо қилиб сўраган бўлсам, ҳаммасига эришдим. Бу дунёда ҳеч ҳорлик, зорлик кўрмадим. Мудом ёр-дўстларнинг иззат-икромида, шогирдларим, қавм-қариндош, фарзандларимнинг ардоғида бўлдим. Энди бирдан-бир истагим шуки, Парвардигор икки дунёда имонимни басаломат қиласа бўлгани...

Узоқ яшадим, беармон яшадим... Лекин бир гапни айтайми? Яшашдан тўймас экан киши. Зеро яшашдан тўйиш — Оллоҳнинг зикрини айтишдан тўхталиш эмасми? Яхши кўрган бандаси қанча кўп яшаса, Оллоҳга шунча сифинган бўлади.

Кўп яшанглар, болаларим!»

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФДАН	3
БИР АСР ҲИКОЯТИ (<i>Темирчидан қолган тиллолар</i>)	5
БЕМОРЛИК	99
СҮНГЕМ ДУО	102

РАССЫЛКА

Адабий-бадиий нашр

НЕЪМАТ АМИНОВ

БИР АСР ҲИКОЯТИ

(*Темирчидан қолган тиллолар*)

Тошкент «Маънавият» 2002

Муҳаррир У. Құчқаров

Рассом С. Соин

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳҳиҳ С. Қодирова

Теришга 19. 07. 2002 й.да берилди. Босишига 30.09.2002 й.да рухсат этилди. Бичими 70×90^{1/2}. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 5,46. Шартли кр.-отт. 6,92. Нашр т. 3,05. 5000 пусха. Буюртма № К-9349. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент. Буюк Турон, 41-үй. Шартнома 26-02.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Тошкент. Навоий кучаси, 30-үй. 2002.